

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 685.01: 6П9(575.1)

АБДУХАМИДОВ АБРОРХОН АБДУЛҲАФИЗ ЎҒЛИ

МАВЗУ: ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДЛАРИ
(“Textechnology group” ҚК мисолида)

5A230201 - “Менежмент” (реал сектор)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
доц. М.Г. Умарходжаева

Тошкент – 2018

Магистрлик диссертациясида енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш методларининг илмий, назарий-услубий асослари ўрганилган. Мавзуга оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилиш натижасида тадқиқот объекти бўлган “Textechnology group” ҚҚда иқтисодиётни модернизциялаш шароитида енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш методлари бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this master’s dissertation He scientific, theoretical and methodical foundations of implementing the innovations on production during modernization of the economy has been studied. Scientific and practical recommendations on improving the effectiveness and implementing the innovations on production during modernization the economy the research object “Textechnology group” SC have been developed.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ - сонли баённома « ____ » _____ 201__ й.

Кафедра мудири _____
(и.ш.ф.) _____ имзо сана

Илмий раҳбар: _____
(илмий раҳбар и.ш.ф.) _____ имзо сана

Тақризчи: _____
(тақризчи и.ш.ф.) _____ имзо сана

Магистрант: _____
(магистрант и.ш.ф.) _____ имзо сана

Мундарижа

| | |
|---|-----------|
| КИРИШ | 4 |
| I боб. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолашнинг назарий- услубий асослари | 9 |
| 1.1. Ишлаб чиқариш қувватларининг иқтисодий моҳияти..... | 9 |
| 1.2. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш меъзонлари..... | 15 |
| 1.3. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш зарурияти..... | 31 |
| I боб бўйича хулосалар..... | 35 |
| II боб. “Textechnology group” ҚҚда ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш ҳолати | 36 |
| 2.1. “Textechnology group” ҚҚнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиш ҳолати..... | 36 |
| 2.2. “Textechnology group” ҚҚнинг ишлаб чиқариш қувватларининг таҳлили..... | 40 |
| 2.3. “Textechnology group” ҚҚда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни баҳолаш..... | 53 |
| II боб бўйича хулоса..... | 63 |
| III боб. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолашни такомиллаштириш | 64 |
| 3.1. “Textechnology group” ҚҚда ишлаб чиқариш қуввати ва улардан фойдаланишни яхшилаш йуллари..... | 64 |
| 3.2. “Textechnology group” ҚҚда айланма маблағлар тежамкорлигининг самарадорлигини ошириш..... | 69 |
| III боб бўйича хулосалар..... | 74 |
| Хулоса ва таклифлар | 75 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 79 |

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларига қўйиладиган талаблардан бири корхона ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурсларини самарали бошқаришни ташкил этиш ҳисобланади. Иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланган ишлаб чиқариш қувватлари корхонанинг келажагини белгилаб берувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Хозирги даврида ишлаб чиқариш корхоналари рентабеллигини ошириш, паст рентабеллик корхоналарни соғломлаштириш, уларга молиявий кўмак бериш каби асосий вазифалар устивор йўналиш сифатида қаралмоқда. Корхоналар фойдасини, молиявий моддий ресурсларини хўжаликни ўзи тасарруф этиш шахсий манфаатдорлик ва ташаббускорлик тамойиллари асосида ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш миллий иқтисодиётимизнинг тамойилига айланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев “Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.”¹ – деб маърузалари таъкидлаб ўтган.

Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам “иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси –Т.: Ўзбекистон, 22 декабр 2017 йил. <https://www.xabar.uz/uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга қаратилгандир” – деб таъкидлаб ўтди.²

Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурсларини изчил таҳлил этмасдан, уни бошқариш усулларини ўрганмасдан туриб, корхонани бошқариш ва юқори рентабелликни таъминлаш мумкин эмас. Корхоналар амалиётида маълум бўлмоқдаки, ишлаб чиқариш қувватларини тўғри баҳолай олмай ҳисобни юритиш ва молиявий бошқарув соҳаларида кўплаб камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланмоқда. Корхоналарда энг катта камчиликлардан бири бу ишлаб чиқариш ресурсларини нотўғри сарфланиши бўлиб, йил охирида ресурс етишмаслиги ва омборларда сақланиб қолиш ҳоллари юз бермоқда.

Бу албатта корхонанинг кейинги фаолиятида жиддий хатоликлар келиб чиқиши мумкинлигини кўрсатади. Қолаверса, ишлаб чиқариш қувватларини ишсиз тўхтаб қолиши нафақат маҳсулот яратилмаслиги балки, корхона томонидан давлатга тўланадиган мол-мулк солиғини ортишига ҳам олиб келиши мумқаррар. Бу эса солиқлардан қочиш йўллларини қидиришга олиб келмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналарини ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурсларини бошқариш тизимини ва уларни самарали ташкил этиш

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони

йўлларини изчил тахлил этмасдан, фаолият юргизиш мақсадга мувофиқ эмас. Шулардан келиб чиқиб, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурсларини самарали бошқариш йўлларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва такомиллаштириш долзарб масала деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида “Textechnology group” қўшма корхонаси олинди.

Тадқиқот предмети энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш методларини ўрганиш масалалари ташкил этади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётни модернизциялаш шароитида энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш методларини ўрганиш ҳамда самарали бошқаришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ишда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- ишлаб чиқариш қувватларининг иқтисодий моҳиятини ёритиб бериш;
- энгил саноат корхоналарида корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш меъзонлари аниқлаш;
- ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш заруриятини ёритиб бериш;
- “Textechnology group” ҚКнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиш ҳолатини ўрганиш;
- “Textechnology group” ҚКнинг ишлаб чиқариш қувватларининг тахлил қилиш;
- “Textechnology group” ҚКда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни баҳолаш;
- “Textechnology group” ҚКда ишлаб чиқариш қуввати ва улардан фойдаланишни яхшилаш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Иқтисодиётни модернизциялаш шароитида энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш методларини

татбиқ этиш ҳамда самарали бошқаришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар таклиф этилган. Диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

-енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолашнинг назарий- услубий асослари ёритиб берилган;

-“Texttechnology group” ҚҚда ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш ҳолати таҳлил қилинган;

-енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар, назарий ва амалий таклифлардан “Texttechnology group” ҚҚни иқтисодийни модернизциялаш шароитида энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш методларининг татбиқ этишда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга магистрлик диссертация ишининг назарий ва услубий ғоялари “Операцион менежмент”, “Инновацион менежмент”, “Ишлаб чиқариш менежменти” фанларидан маърузалар ўқишда, амалий машғулотлар ўтишда кенг қўлланилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, мавзу бўйича адабиётлар таҳлили, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тузилиши ёритилган.

Илмий ишнинг биринчи бобида энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолашнинг назарий-услубий асослари илмий жиҳатдан очиқ берилган ва боб бўйича қисқача хулосалар бериб ўтилган. Иккинчи бобда “Texttechnology group” ҚҚда ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш ҳолати таҳлил таҳлили, ҳамда боб бўйича қисқача хулосалар бериб ўтилган.

Илмий ишнинг учинчи бобида энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолашни такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилган ҳамда боб бўйича қисқача хулосалар бериб ўтилган.

Илмий ишнинг хулоса қисмида мавзуга оид хулоса ва таклифлар келтирилган.

Аниқланган муаммолар. Мамлакатимизда пахта хомашёсидан тўлик фойдаланишни ташкил этиш ва унинг таъминоти масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда ва натижада уни қайта ишлаш кўлами кенгайиб бормоқда. Бироқ, энгилсаноат тармоғида, хусусан тўқимачилик соҳасида бир қатор муаммолар мавжуд. Амалиётда ишлаб чиқариш қуввати ва ускуналарнинг юкланишини ҳисоблашда баъзида хатолар, улар ўртасидаги фарқни сезмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Корхона қуввати асосий ишлаб чиқариш фондлари, янги техника ва аниқланган захиралардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлган максимал даражани тавсифлайди, ускуналарнинг юкланишни ҳисоблаш натижалари эса, ушбу қувватлардан режадаги даврда фойдаланишнинг даражасини аниқлайди.

Таклиф ва тавсиялар. Тадқиқотнинг асосий масаласи иқтисодиётни модернизциялаш шароитида энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш методларини такомиллаштириш зарур. Тадқиқотнинг “Textechnology group” ҚҚда энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш методларини тўғри шакллантириш ва амалга оширишнинг юқори аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиш керак.

Хулоса қилиб айтганда истиқболда тўқимчилик корхоналарининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини янада ошириш, унинг ўсиш тенденцияларини барқарор таъминлаш учун юқоридаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

I боб. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини бошқаришнинг назарий- услубий асослари

1.1.Ишлаб чиқариш қувватларининг иқтисодий моҳияти

Юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ҳамда кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб боришини таъминламоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонининг чиқарилиши бу борада барча жабҳаларда бажарилиши ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгиланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясига кўра:

- қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

- миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

- саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш;

- иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш бозорларида монополияни босқичма босқич камайтириш;

-принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиялар турларини чиқаришни ўзлаштириш, бунга асосан ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилган.

“Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.”³

Мамлакат иқтисодиётини изчил ривожлантириб бориш ва рақобатбардошлигини ошириш шароитида енгил саноат миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларидан бошлаб, мазкур тармоққа алоҳида эътибор қаратилаётганлиги туфайли Ўзбекистон нафақат пахта хомашёси етиштирувчи, балки уни қайта ишлаш салоҳияти юксалиб бораётган давлатлар қаторидан жой олди.

Енгил саноат Ўзбекистон учун анъанавий равишда аҳоли бандлигининг юқори даражасини таъминловчи, иқтисодий ўсиш ва давлат бюджетига ҳисса кўшувчи етакчи тармоқ бўлиб келган. Бунга сабаб эса, биринчидан, тўқимачилик саноатининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган анъанавий юқори роли тармоқнинг ривожини учун зарур бўлган маҳаллий хомашёнинг мавжудлиги, иккинчидан малакали ва арзон ишчи кучининг етарлилиги, учинчидан сарфланадиган энергиянинг арзонлигидир.

Эндиги мақсад эса, ушбу имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини самарадорлигини оширишдан иборат. Бу эса ўз навбатида соҳага оид илмий изланишларни олиб боришни тақозо этади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси –Т.: Ўзбекистон, 22декабр 2017 йил.<https://www.xabar.uz/uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ишлаб чиқариш, табиатдаги бор нарсаларнинг кўринишини ўзининг истеъмоли учун мувофик ҳолга келтириш учун қилинган меҳнат фаолиятдан иборатдир. Ана шу меҳнат шароитида кишилар, энг аввало, табиат, унинг кучлари вавоситалари билан ўзаро маълум муносабатда бўладилар. Ишлаб чиқариш жараёнида бўладиган бу муносабатларнинг шакллари ва хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни билган ҳолда ишлаб чиқаришни онгли ташкил этиш олий мақсадга, яъни чекланган иқтисодий ресурсларданунумли фойдаланган ҳолда кишиларнинг ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришишнинг бирдан-бир йўлидир. Шундай экан, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланмасдан туриб мамлакатимиз олдида турган муҳим масала мустақил иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди. “Фан-техника тараққиёти фан соасидаги ишлаб чиқариш куруллари, технология, бошқариш ва бошқа кўпгина ўзгаришларни ўз ичига олади.”⁴ Ҳозирги даврда фан-техника тез суръатлар билан тараққий этмоқда ва у илгариги техника тараққиётига қараганда бирламчи афзалликларга эгадир. Фан техника тараққиёти афзаллиги шундаки, илғор мамлакатларда фан янгиликлари тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилинади, бинобарин фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб боради. Шу боис, давлатнинг инвестиция ресурсларини фан-техника тараққиётининг илғор соҳалари бўлган енгил саноат, тўқимачилик саноати, авиация, машинасозлик саноатини, информатика, электроника, атом энергетика, ишлаб чиқариш соҳаларини комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, янги материалларни яратиш ва уларга ишлов бериш технологияси сингари муҳим йўналишларга жалб этишга қаратилгандир.

Бу борада аввалам бор ишлаб чиқариш тармоқларини янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш жараёнининг жамият ҳар бир аъзосининг

⁴ Абдукаримов Б.А., Бекмуратов А.Ш., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013 йил, 68 б.

онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини янги техника ҳамда технологиялар билан жиҳозлаш энг аввало ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб боровчи жамият аъзолари дунёқараши, тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик туб ислохот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги бозор шароитларида корхона кучи ва воситалари ёрдамида яратилган асосий фондлар ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш ва улардан фойдаланишга фаол равишда таъсир кўрсатувчи мулк ҳисобланади. Бутун халқ хўжалиги миқёсида асосий фондлар мамлакатнинг миллий бойлигини ташкил қилади.

Асосий фондлар корхона ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт иштирок этади ва ўзининг натурал-моддий ҳолатини йўқотмайди ҳамда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотларга қисмлаб ўтказиб беради. Асосий фондлар қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказиш жараёни амортизация деб, ушбу жараёнда тўпланган маблағлар эса амортизация ажратмалари деб аталади.⁵

Иқтисодий мақсадларига кўра, асосий фондлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига тақсимланади. Ишлаб чиқариш асосий фондлари ўз моҳиятига кўра, корхонанинг ишлаб чиқариш потенциалини ташкил қилиб, уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш бинолари ва иншоатлари;
- узатиш қурилмалари;
- қувват машиналари ва ускуналари;
- ишчи машиналар ва ускуналар;
- транспорт воситалари;

⁵ Муратов Р.С., Джалалова И.А., Орипов С.Ш. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2014 йил, 24 с.

- ўлчов ва тартибга солиш асбоблари ва қурилмалари;
- фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлмаган ва қонунчиликда белгилаб қўйилган қийматлардаги асбоблар ва ишлаб чиқариш инвентари.



1 - расм. Корхона асосий фондларининг таркиби⁶

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқаришда банд бўлган барча мутахассис ва ходимлар сони билан биргаликда, корхонанинг ишлаб чиқариш аппарати деб аталади.

⁶ Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2010, 28 б.

Ноишлаб чиқариш асосий фондлари корхона асосий фондларининг ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайдиган қисми бўлиб, шу сабабли ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказмайди. Булар қаторига асосан корхона балансида турувчи тураржой (уй-жой фонди), ошхона, профилактория, клуб, болалар боғчаси ва яслилар, спорт-соғломлаштириш ва бошқа объектлар киритилади. Маданий-маиший ва соғломлаштириш йўналишидаги ноишлаб чиқариш асосий фондлари ишлаб чиқариш асосий фондлари билан фойдаланиш муддати, натурал шаклнинг сақланиши, ўз қийматини секин-аста йўқотиши каби кўп жиҳатлари билан ўхшашдир.

Меҳнат предметига ўтказувчи таъсирига кўра, асосий ишлаб чиқариш фондлари актив ва пассив турларга бўлинади. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг пассив турига бино ва иншоотлар, актив турига эса қувват машина ва ускуналари, ишчи машина ва ускуналар, транспорт воситалари, технологик линиялар, яъни бирон-бир турдаги маҳсулот яратишда фойдаланилувчи меҳнат қуроллари киритилади.

Корхонанинг актив асосий ишлаб чиқариш фондлари энг ҳаракатчан ва аҳамиятли ҳисобланади. Фан-техника тараққиёти давомида кўплаб корхоналарда актив ишлаб чиқариш фондларининг салмоғи ортади, уларнинг таркиби ва кўриниши ўзгаради, асосий фондлар гуруҳ ва турларининг маънавий эскириш туфайли алмашиниш суръати тезлашади.⁷

Ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва бошқа ижобий ўзгаришлар шароитларида, баъзан корхонанинг асосий фондлари, жумладан, ишчи машиналар ва ускуналар, ишлаб чиқариш бинолари, қурилмалар ва ҳоказолар етмай қолади. Бундай ҳоллар рўй берганда корхона шартнома асосида ўзига керакли бўлган асосий фондларни ёллайди ва улар ижарага олинган ҳисобланади. Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида юзага келувчи мулк муносабатлари лизинг деб аталади (ингл. Lease - ижара).

⁷ Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2010, 30 б.

Асосий фондларнинг умумий ҳажмида алоҳида гуруҳларининг қиймат бўйича ўзаро нисбати асосий фондларнинг турлар бўйича тузилмасини акс эттиради ҳамда амалиётда фоизларда ўлчанади. Корхона асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилмасининг, биринчи ўринда унинг актив қисмини - машина ва асбоб-ускуналарни кўпайтиришга йўналтирилган такомиллаштиришдан манфаатдор бўлиши лозим. Уларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори шунчалик катта бўлади ва аксинча.

Корхона асосий фондларининг турлар бўйича тузилмаси, кўп жиҳатдан капитал қўйилмаларнинг технологик тузилмаси орқали, жумладан, уларнинг янги қурилиш ва қайта таъмирлаш, амалдаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта қуроллантириш билан аввалдан белгилаб қўйилган бўлади. Асосий фондларнинг турлар бўйича тузилмасига ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрация қилиш даражаси ҳам катта таъсир ўтказади. Йирик корхоналар, ишлаб чиқаришни фондлар билан таъминлашда ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишда кичик ва ўрта корхоналарга қараганда кўпроқ имкониятга эга.

Бироқ кичик корхоналар ҳаракатчанроқ, уларнинг бошқаруви мослашувчанроқ бўлиб, натижада ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш осонроқ кечади.

1.2. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш меъзонлари

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилайди. У ишлаб чиқариш дастурини асослашда катта роль ўйнайди ҳамда корхонанинг белгиланган номенклатура ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича потенциал имкониятларини тавсифлайди.

Бундан келиб чиқадики, ишлаб чиқариш қуввати – бу, маълум бир вақт давомида илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни

ташқил қилишнинг илғор шароитларида ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражасидир. У қоидага кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг натурал кўринишда, ушбу корxonанинг ихтисослашганлиги ва маҳсулотнинг алоҳида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатига кўра аниқланади.

“Ишлаб чиқариш қуввати – бу, маълум бир вақт давомида илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташқил қилишнинг илғор шароитларида ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражасидир.”⁸ У қоидага кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг натурал кўринишда, ушбу корxonанинг ихтисослашганлиги ва маҳсулотнинг алоҳида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатига кўра аниқланади.

Корxonанинг ишлаб чиқариш қуввати илғор (асосий) цехлар қуввати билан, цехлар қуввати бош участкалар қуввати билан, участкалар қуввати эса бош ускуналар қувватига асосан аниқланади. Корхона ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилаб берувчи кўрсаткичлар қаторига куйидагиларни киритиш мумкин:

- ускуналар таркиби ва турлар бўйича сони;
- ускуна, агрегат ва дастгоҳлардан фойдаланишнинг техник-иқтисодий норма (норматив) лари;
- ускуналарнинг ишлаш вақти фонди;
- ишчилар сони;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва ассортименти (турлари ва хилма-хиллиги).

Корхона ишлаб чиқариш қувватининг бошланғич (йил бошида), якуний (йил охирида), ўртача йиллик ҳамда лойиҳа қуввати турлари мавжуд. Лойиҳа қуввати қурилиш лойиҳасида кўзда тутилган бўлади. Қайта тиклаш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш давомида лойиҳа

⁸ Александров Г.А., Павлов А.С. Обновление основных производственных фондов. М.: Экономика, 2008 г. 90 с.

қуввати катталаштирилиши мумкин. Шу сабабли амалиётда лойиҳа қуввати кўпинча корxonанинг амалдаги қуввати билан солиштирилади. Корxonанинг амалдаги қуввати корxона ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

“Корxона ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда заҳирадаги ускуналардан ташқари, барча ўрнатилган ускуналар ҳисобга олинади. Баъзи бир цехларда (йиғув, қуюв ва бошқа цехларда) ишлаб чиқариш қуввати ишлаб чиқариш майдонларига асосан ҳисобланади.”⁹

Ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда маҳсулот бирлигига сарфланувчи вақт нормаси ёки ҳар бир ускунанинг унумдорлик нормалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар илғор ҳамда прогрессив бўлиши талаб қилинади.

Корxона бош бўғинининг (асосий цехининг) ишлаб чиқариш қуввати куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M = \frac{n \times \Phi_{\text{макс}}}{M_t} \quad (1)^{10}$$

Бу ерда:

M - цех ёки учасканинг қабул қилинган ўлчов бирлигидаги ишлаб чиқариш қуввати;

n - цех ёки участкадаги илғор ускуналар сони;

$\Phi_{\text{макс}}$ – бош ускунадан фойдаланиш мумкин бўлган максимал муддат, соат;

M_t – бош ускунада маҳсулот тайёрлашнинг прогрессив меҳнат сиғими, соат.

Амалиётда ишлаб чиқариш қуввати ва ускуналарнинг юкланишини ҳисоблашда баъзида хатолар, улар ўртасидаги фарқни сезмаслик ҳоллари ҳам

⁹ Аврашков, Л.Я. Экономика предприятия / Л.Я. Аврашков [и др.]; под общ.ред. Л.Я. Аврашкова.- М., ЮНИТИ, 2001. – 43 б.

¹⁰ Аврашков, Л.Я. Экономика предприятия / Л.Я. Аврашков [и др.]; под общ.ред. Л.Я. Аврашкова.- М., ЮНИТИ, 2001. – 68 б.

учраб туради. Корхона қуввати асосий ишлаб чиқариш фондлари, янги техника ва аниқланган захиралардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлган максимал даражани тавсифлайди, ускуналарнинг юкланишни ҳисоблаш натижалари эса, ушбу қувватлардан режадаги даврда фойдаланишнинг даражасини аниқлайди.

Демак, улар ўртасидаги принципиал фарқ шундаки, биринчи ҳолатда корхона ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражаси аниқланса, иккинчи ҳолда мазкур давр мобайнида ускуналардан қанчалик фойдаланилиши аниқланади.

Ишлаб чиқариш дастурининг корхонада мавжуд бўлган қувватларга мос келишини аниқлаш учун, ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати ҳисоблаб топилади. Уни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$M_{\text{ыр.йил}} = M_n + \frac{M_v \times n_1}{12} - \frac{M_l \times n_2}{12} \quad (2)^{11}$$

Бу ерда:

$M_{\text{ўр.йил}}$ – корхонанинг ўртача йиллик қуввати;

M_n – корхонанинг йил бошидаги қуввати;

M_v – йил мобайнида киритилувчи қуввати;

M_l – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилувчи (йўқ қилинувчи)

қувват;

n_1, n_2 – ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишдан ёки тугатилган ишлаб чиқариш қувватлари йўқ қилингандан то йил охиригача ўтган тўлиқ ойлар сони.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган мазкур чора-тадбирлар, кўпинча ишлаб чиқариш қувватлари

¹¹ Аврашков, Л.Я. Экономика предприятия / Л.Я. Аврашков [и др.]; под общ.ред. Л.Я. Аврашкова.- М., ЮНИТИ, 2001. – 70 б.

балансини тузиш йўли билан амалга оширилиб, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ва уларни таъминлаш манбаларига бўлган эҳтиёжи аниқланади.

Ишлаб чиқариш ускуналари, ер майдонлари, штатдаги ходимларни сонини ва таркибини, завод жойлашган жўғрофий жойни, цехларни режалаштиришни жорий талабларга суяниб тез-тез ва қисқа мудатларга ўзгартириш етарлича қийин ва иқтисодий томондан самарасиздир. Шунинг учун ишлаб чиқаришни қисқа муддатли талабларга таъсири, аввало, мавжуд қувватларни ишлатишни мувофиқ бошқаришдадир. Бунда талабнинг қувват даражасидан пастлиги ҳисобига қувватнинг тўлиқ ишламаслиги ва талабнинг қувват даражасидан юқорилиги ҳисобига бой берилган фойда сингари вақтинчалик йўқотишлардан қочиб бўлмайди. Қувват даражасига мувофиқ минимумни аниқлаб умумий йўқотишни минималлаштириш мумкин.

Бунда масаланинг иқтисодий моҳияти кейинги узоқ мудатли даврда қувват ҳажми тўғрисида стратегик қарор қабул қилиш билан боғлиқ. Қоидага кўра, йўқотилган фойда ускуна (ва ер майдони) бекор туриб қолиши ҳисобига йўқотишдан юқори, ишлаб чиқаришнинг қолган омиллари керакли вақтда ишлаб чиқаришга жалб қилиниши ва бошқа кўрсатмаларга бекор туриб қолишлардан йўқотишларсиз сарфланиши мумкин. Ишлаб чиқариш қуввати камида ускуналарнинг бекор туриб қолиши ва харидорлардан кутилаётган барча ҳаражатларни таъминлаш даражасида қувватга эга бўлиши керак.

“Қувватлар ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги билан аниқланади. Шунинг учун мавжуд ускуналар, ер майдони, ишчи кучлари, материаллар бирликларда ўлчаниши мумкин. Аммо талаб одатда товар(иш, хизматлар) лар бирликларида ўлчанади. Шунинг учун ишлаб чиқариш қуввати максимал мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми сифатида, унинг талабга қаратилганлигини ҳисобга олсак у ҳам товар (иш, хизмат) лар бирлигида ўлчаниши керак.”¹²

¹² Бусел И.П. Экономика и организация производства / И.П. Бусел. – Минск: Ураджай, 2008. – 96 б.

Бир турдаги товарни ишлаб чиқаришда қувват ўлчови тўғридан-тўғри бўлиши мумкин. Бу муайян даврда корхона ёки бўлинма томонидан ишлаб чиқарилган максимал миқдордир. Турли-хил технологик жараёнларни ишлатиб, турли қувват самарадорлиги ўлчови birlikларида турли-хил товарларни ишлаб чиқаришда товар birlikидан фойдаланиш мумкин эмас.

Корхона қуввати мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари билан аниқланади. Шунинг учун ускуналар, ер майдонлари, ишчи кучлари, материаллар birlikлари билан ҳам ўлчаниши мумкин. Аммо, талаб ҳар доим товар (иш, хизмат) birlikида ўлчанади. Шу сабабли, ишлаб чиқариш қуввати максимал мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми сифатида унинг талабга йўналтирилишини ҳисобга олиб товар (иш, хизмат) birlikида ўлчаш шарт.

Бир турдаги товарларни ишлаб чиқаришда қувват ўлчов birlikи бевосита бўлиши мумкин. Бу муайян вақтда корхона ёки унинг бўлинмаси томонидан ишлаб чиқарилган максимал маҳсулот ҳажмидир. Бир неча турдаги товарларни турли хил технологик жараёнлар ёрдамида турли қувват унумдорлиги асосида ишлаб чиқариш уларни товар birlikи ёрдамида ўлчаш қийинчилик туғдиради. Бундай ҳолатда барча ишлаб чиқарилаётган товар ва ишлаётган жараёнларга ишлаб чиқариш қувватининг универсал birlikи бўлиб маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф қилинган иш вақти хизмат қилади. Машинасозлик саноати учун ишлаб чиқариш қувватининг ўлчов birlikи натурал ёки маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф қилинган вақтга тенглаштирилиши характерлидир. Мисол учун, доналаб ишлаб чиқаришда – меъёр-соатда; сериали ишлаб чиқаришда - буюм ва жамланмада; оммобоп ишлаб чиқаришда – жамланма , деталь ва буюмда; қуйиш, темирчилик ва бошқа тайёрлаш цехларида ишлаб чиқариш қуввати ўлчов birlikи сифатида тоннадан фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш қувватининг лойиҳалаштирилган, кутилаётган ва меъёрий (норматив) турлари мавжуд. Лойиҳалаштирилган қувват – бу идеал шароитда эга бўлиш мумкин бўлган максимум қувватдир. Реал шароитда

амалий 100% га эришиш мумкин эмас. Шунинг учун корхона кутилаётган қувватга таяниб иш тутади. Бу қувват тахминан лойиҳалаштирилган қувватнинг 92 % ини ташкил этади. Кутилаётган ишлаб чиқариш қувватининг лойиҳалаштирилган ишлаб чиқариш қувватига фоиздаги нисбати ишлаб чиқариш қувватининг самарадорлигини белгилайди. Кўпчилик корхоналар кутилаётган қувватдан пастроғига таянадилар, қолган қисмини захирада сақлашни маъқул кўрадилар.

Юқорида келтириб ўтилган жараёнларни изчиллик билан амалга ошириш ва мамлакат енгил саноат тармоғини ривожлантириш мақсадида, ҳудудлар иқтисодиётига ҳам хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш, уларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, янгидан-янги, тўла қувват билан фаолиятини амалга оширадиган ва рақобатбардош маҳсулотлари билан жаҳон бозорларида ўз ўрнини эгаллай оладиган қўшма корхоналарни йилдан-йилга кўпайтиришга, маҳаллий хомашё ва ишчи кучларидан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда.

Маълумки, асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилайди ва у корхонанинг белгиланган номенклатура ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича салоҳиятини тавсифлайди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмига таъсир этувчи бошқа омиллар ҳам мавжуд.

“Ишлаб чиқариш қувватларига таъриф келтирсак, у иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда маълум бир вақт давомида (бир ой, йил) илғор технологияларни қўллаш асосида, мавжуд дастгоҳ ва майдонларда ишлаб чиқариш мумкин бўлган сифатли маҳсулотларнинг максимал миқдоридир. Уни корхонанинг ихтисослашганлиги ва маҳсулотнинг алоҳида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатга кўра аниқланади. Ҳар бир корхона эса ўзининг ишлаб чиқариш дастурини тузади. Ишлаб чиқариш дастури:

–маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ўзаро узвий боғлиқ техникавий, ташкилий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш тадбирлари мажмуидир.”¹³

Ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмига таъсир этувчи ва ундан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар ўзаро боғлиқдир, уларнинг таъсир объекти бу ишлаб чиқариш қувватидир. Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, биринчиси ишлаб чиқариш қувватларини ошириш захираларини белгиласа, кейингиси ундан самарали фойдаланиш захираларини белгилаб беради.

Ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмига дастгоҳлар тузилмаси ва унинг техник тавсифлари, шунингдек иш қуролларининг сифати таъсир этиб, у асосий воситаларга инвестиция киритишга боғлиқ бўлади. Асосий воситаларга хизмат кўрсатувчи ходимнинг малакасининг ўрни ҳам беқиёсдир.

Ишлаб чиқариш қувватларидан ўз вақтида ва ўз ўрнида тўлиқ фойдаланмаслик бир қатор салбий оқибатларга олиб келади, жумладан:

- дастгоҳ ва жиҳозларнинг жисмоний ва маънавий эскириши;
- бозордаги талабни қондирилмаслигига;
- фонд қайтимини камайишига;
- ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараенини секинлашишига ва х.к.

Корхона ўз ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишнинг асосий аҳамияти шундан иборатки, корхона режа давридаги режалаштирилган маҳсулотни ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, цех, участка ва жиҳозлар гуруҳлари ўртасидаги пропорционаллик сақланишига имконият яратади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга мавжуд дастгоҳлар, тезкор технология, малакали мутахассислар, ишлаб чиқариш

¹³ Грузинов, В.П. Экономика предприятия: учеб.пособие / В.П. Грузинов, В.Д. Грибов. - М.: ИЭП, 2009. – 187 с.

майдонлари, хомашё сифати ва ишлаб чиқаришни илмий ташкил этиш омиллари таъсир этади.

Бизнингча, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ресурсларидан рационал фойдаланишга қаратилган ташкилий-техник ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Бунда ишлаб чиқариш қуввати ҳар бир ишлаб чиқариш бирлигидан (дастгоҳдан) вақт бирлигида ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулот ҳажми билан ифодаланади.

Мамлакатимизда тўқимачилик ва текстилсаноатни ривожланишида хомашё ва технологияларни тадқиқ қилишнинг асосий моҳияти унинг таъминоти масаласини юқори даражада ташкил этишнинг бозор механизмлари яратилиши ҳисобланади.

Пахта хомашёни енгил саноатнинг асосий бирламчи хомашёси ҳисобланганлиги учун биринчи галдаги вазифа мамлакатимиз тўқимачилик корхоналари томонидан уни қай даражада қайта ишланаётганлини таҳлил этиш лозим.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишда меҳнат куруллари (асосий фондлар) ва ишчи кучидан ташқари, айланма маблағларга ҳам эга бўлишлари зарур. Айланма маблағлар ишлаб чиқаришнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил қилишга мўлжалланган пул маблағларидан иборат. Айланма маблағлар, қоидага кўра, корхонанинг ҳисоб рақамида нақд пул кўринишида жамғарилади. Ҳар бир корхонанинг айланма маблағлари асосий фондларнинг техник ҳолати ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури билан боғлиқ. Корхона қанчалик катта ва унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турлари кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кўп талаб қилинади. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш ва унинг узлуксизлигини таъминлашнинг моддий асоси ҳисобланади.

“Айланма маблағлар ” атамасидан ташқари “айланма капитал” ибораси ҳам кўп қўлланилиб, асосан иқтисодий назария ва хўжалик юриштишнинг

хорижий тажрибасидан олинади.¹⁴ Моҳиятига кўра, айланма капитал корхона ишлаб чиқариш капиталининг бир қисми бўлиб, унинг қиймати ишлаб чиқаришнинг ҳар бир циклида ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказилади ҳамда ушбу товарни сотгандан сўнг корхонага қайтарилади. Айланма капитал кўпинча корхонанинг пул маблағлари ҳисобланувчи ёки ишлаб чиқариш жараёнида пул маблағларига айлантирилувчи ҳаракатчан активлари қаторига киритилади.

Иқтисодий табиати, бажарувчи вазифалари ва ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнига кўра, “айланма маблағлар” ва “айланма капитал” ўртасида сезиларли фарқ йўқ. Корхона доимий капиталининг таркибий қисми сифатида улар хом ашё, ёқилғи, энергия ресурслари, ёрдамчи ва бошқа материалларда юзага келади, шунингдек, ишчи кучларини ёллаш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга бўнак (аванс) тариқасида берилади. Айланма маблағларга бўлган кўшимча талаб банклардан олинadиган кредитлар ҳисобига қопланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг айланма маблағларга етарли тарзда эга бўлиши уларнинг нормал фаолият юритиши гарови ҳисобланади. Шунинг ҳам унутмаслик зарурки, ишлаб чиқараётган маҳсулот бирлигига сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи ва энергия миқдори маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик кам бўлса, маҳсулот шунчалик арзонлашади ҳамда айланма маблағлар камроқ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.

Корхоналарнинг айланма маблағлари айланма фондлари ва муомала фондларига тақсимланади. Бундай тақсимлаш уларнинг моддий–буюмлашган тузилишидан ташқари, ишлаб чиқариш жараёни ва умуман, корхонанинг иқтисодий фаолиятидаги иштироки асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, тақсимлаш режалаштиришни ташкил қилишда

¹⁴ Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2014 йил, 52 б.

ҳамда корхонанинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини аниқлашда катта роль ўйнайди.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари–корхона ишлаб чиқариш фондларининг бир қисми бўлиб, битта ишлаб чиқариш цикли давомида сарфланади ҳамда натурал шаклини ўзгартириб, ўз қийматини тўлиғича тайёр маҳсулот таннархига ўтказилади. Шу сабабли айланма ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнининг мажбурий элементи ва ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисми ҳисобланади.¹⁵

Корхона айланма ишлаб чиқариш фондлари қаторига хом ашё ва материаллар захираси, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи ва энергетика ресурслари, қадоклаш ва ўров материаллари, эҳтиёт қисмлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келажақдаги харажатларни киритиш мумкин. Режалаштириш, системали ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилиш учун қулайлик яратиш мақсадида айланма ишлаб чиқариш фондлари уч гуруҳга бўлинади:

- ишлаб чиқариш захиралари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар;
- келгуси давр харажатлари.

Муомала фондлари корхонанинг тайёр маҳсулот захирасини яратиш учун мўлжалланган пул маблағлари, шунингдек, чек ва векселлар, акциядорларнинг қарзлари, турли хил дебиторлик қарзлари, банк ва кассаларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан иборат бўлади. Муомала фондлари ва айланма ишлаб чиқариш фондлари мажмуаси, корхонанинг айланма маблағлари (капитали)ни ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган айланма маблағлар катталигини белгиловчи асосий омиллар – бу, маҳсулот тайёрлашнинг ишлаб чиқариш цикли узунлиги, меҳнатни ташкил қилиш, техника ва технологиянинг ривожланиш даражаси, меҳнат предметлари ва қуролларидан фойдаланиш

¹⁵Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2014 йил, 54 б.

нормаларидир. Айланма маблағлар катталиги, шунингдек, маҳсулотларни сотиш шароитлари, таъминот ва маҳсулотни сотиш тизимини ташкил қилиш даражаси билан ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, айланма маблағлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- хом ашё, материал, эҳтиёт қисмлар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилишда зарур бўлган бошқа меҳнат предметлари;
- ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинувчи электр энергияси, ёқилғи каби ресурслар учун ҳақ тўлаш;
- корхонани ташкил этиш ва фаолият юритиш даврида ойлик иш ҳақи тўланиши;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш.

Бозор муносабатлари ва деярли барча ресурслар тақчиллиги шароитларида айланма маблағлар, биринчи ўринда моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни шакллантириш заҳираларини излаб топиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда заҳира деганда, моддий ва пул ресурсларини яхшилашнинг юзага келган ёки юзага келаётган, лекин ҳали фойдаланилмаган (тўлиқ ёки қисман) имкониятларини тушуниш лозим.

Бу заҳиралар келиб чиқиши ва фойдаланилишига кўра халқ хўжалигига ва тармоқларга тегишли ёки тармоқлараро, ишлаб чиқариш ичидаги (завод, цех ва ҳоказо) турларига бўлинади. «Корхона иқтисодиёти»да ички ишлаб чиқариш заҳиралари - ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш ҳамда техника ва технологияни такомиллаштириш, маҳсулотларнинг янги ва янада мукамал турларини ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш имкониятлари, катта аҳамият касб этади. Заҳиралар шунингдек, моддий ресурсларни сарфлашни нормаллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг меҳнат сифимини камайтириш, меҳнатни ташкил қилишнинг рационал усулларини қўллаш натижасида ҳам аниқланади.

Қисқача айтганда ҳар бир корхона, айниқса, йирик ва машинасозлик корхоналари ҳамда уларга яқин бўлган корхоналар, моддий ва пул ресурсларидан, яъни хусусий капитал ва бошқа активлардан рационал фойдаланиш бўйича пухта ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуасига эга бўлиши зарур.¹⁶

Ресурслардан самарали фойдаланишнинг техник-ишлаб чиқариш йўналишлари қаторига, бирламчи хом ашёни ишлаб чиқаришда фойдаланишга сифатли равишда тайёрлаш, машина ва ускуналар конструкциясини такомиллаштириш, хом ашё, материал, ёқилғиларнинг тежамкор турларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш чикитларини камайтирувчи ҳамда иккиламчи ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги йўқотишларнинг олдини олишни таъминловчи янги техника ва технологияларни жорий қилишни киритиш мумкин.

Ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари қаторига, маҳсулотлар материал сифimini режалаштириш ва нормалаштиришнинг илмий даражасини ошириш, ресурсларни сарфлашнинг техник жиҳатдан асослаб берилган норма ва нормативларини ишлаб чиқиш, “эски” ва “янги” маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида прогрессив пропорцияларни белгилаш, меҳнатни ташкил қилишнинг самарали усулларини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар киритилади.

Айланма маблағлар ва уларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари иш жойларида (бригада, цех ва ишлаб чиқариш участкаларида) битта миқдордаги хом ашё ва материаллардан тайёрланувчи якуний маҳсулотларни кўпайтиришдадир. У ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларнинг малакаси, моддий-техника

¹⁶ Абдукаримов Б.А., Бекмуратов А.Ш., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013 йил, 68 б.

таъминоти, моддий ресурслар заҳираларини сарфлаш нормаларига боғлиқ бўлади.¹⁷

Айланма тузилмаларни режалаштириш ва бошқаришнинг ҳозирги пайтдаги амалиётида ушбу маблағларнинг таркиби ва тузилмасини баҳолаш ва таҳлил қилишга, шунингдек, уларнинг функционал роли ва ҳаракатига катта эътибор қаратилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг энг фаол қисми бўлса, муомала фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди ҳамда янги истеъмол қийматини яратмайди. Бу ерда умумий қоида шундайки, айланма маблағлар доимо айланишда бўлиши зарур - уларнинг самарадорлиги ва корхона иқтисодиётига таъсири айнан шунда кўзга ташланади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг асосий ва салмоқли қисми сифатида ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади:


-ишлаб чиқариш заҳиралари – бу ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришга киритиш учун тайёрланган ҳамда хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, харид қилинувчи ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар, қадоқлаш ва ўров материаллари, асосий фондларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материалларидан ташкил топувчи меҳнат предметлари;

-тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар – бу, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга топширилган ҳамда ишлов бериш ва йиғув жараёнида бўлган, лекин ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ тугалланмаган ҳамда ушбу корхонада кейинчалик ишлов берилиши лозим бўлган меҳнат предметлари;

-келгуси давр харажатлари - айна пайтда ишлаб чиқарилаётган, лекин келажакдаги маҳсулотларга мансуб бўлган янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари (масалан, асбоб-ускуналарни қайта

¹⁷ Абдукаримов Б.А., Бекмуратов А.Ш., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013 йил, 78 б.

режалаштириш, маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш ва лойихалаштиришга сарфланувчи харажатлар ва бошқалар).¹⁸



2-расм. Корхона айланма маблағларининг намунавий тузилмаси¹⁹

¹⁸ Абдукаримов Б.А., Бекмуратов А.Ш., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013 йил, 80 б.

¹⁹ Аврашков, Л.Я. Экономика предприятия / Л.Я. Аврашков [и др.]; под общ.ред. Л.Я. Аврашкова.- М., ЮНИТИ, 2001. – 48 с.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари алоҳида таркибий қисмлари ёки элементлари ўртасидаги фоизларда ифодаланувчи ўзаро муносабатлар айланма ишлаб чиқариш фондларининг тузилмасини ташкил қилади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондлари ўртасидаги худди шундай фоизлардаги муносабатлар корхона айланма маблағларининг тузилмаси деб аталади. 2-расмда корхона айланма маблағларининг тахминий (намунавий) тузилмаси кўрсатилган.

Чизмадан кўриш мумкинки, ишлаб чиқариш захиралари айланма ишлаб чиқариш фондларининг асосий қисмини ташкил қилади. Бироқ бозор иқтисодиёти, айниқса, барча ресурслар тақчиллиги шароитларида ишлаб чиқариш захираларининг ҳаддан ташқари ошириб юборилиши корхона иқтисодиётига салбий таъсир қилишидан ташқари, ресурсларни “боғлаб” кўяди ҳамда уларнинг йўқотилишига олиб келади.

Шу сабабли айланма маблағлар ҳажмини оптималлаштириш ва уларни маҳсулот ишлаб чиқариш дастурларига мос ҳолга келтириш корхонанинг тежамкорлик режимида фаолият юритиши катта аҳамиятга эга бўлади.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналарнинг айланма маблағлари ишлаб чиқаришнинг технологик ташкил этиш хусусиятларига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Бу хусусиятларнинг характери ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва мураккаблиги, ихтисослаштириш даражаси, маҳсулотни реализация қилиш шароитлари ва шу кабилар билан изоҳланади.

Айланма фондлар тузилмаси нафақат саноатнинг турли тармоқларида, ҳаттоки бир тармоқ ва бир корхонанинг ўзида ҳам фарқланади. Бундай фарқланишга турли хилдаги хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқариш технологияси ва техникасидаги фарқлар, корхоналарнинг географик жойлашуви, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва меҳнат тақсимоти, моддий-техника таъминоти сабаб бўлиши мумкин.

Корхоналар айланма маблағлари таркиби ва тузилмасига хўжалик юритиш қобиляти ва унинг самарадорлигига риоя қилиш қоидалари катта таъсир кўрсатади. Яъни корхона ишлаб чиқариш захираларини ва айланма

маблағларнинг таъминланганлигини ҳаддан ташқари оширишга интилмаслиги зарур.

1.3. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш зарурияти

Енгил саноат тармоғини ривожлантириш бўйича жуда кенг хомашё манбаларининг мамлакатимизда мавжудлиги ва ушбу имкониятларидан самарли фойдаланиш ва қайта ишловчи корхоналарга етказиб бериш механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда унинг илмий-услубий асосларини яратиш долзарб муаммо эканлигини асосламоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган пахта хомашёсини қайта ишлаш, уни истеъмолга етказиш жараёнлари тизимли равишда тартибга солинган ва уни бошқарилиши “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ҳамда унинг таркибидаги “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилади.

Ушбу акциядорлик жамияти пахта хомашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш, пахта толасини жаҳон бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда экспорт қилиш бўйича ягона комплексни яратиш, пахта, ёғ-мой маҳсулотларининг сифатини ҳамда рақобатдошлигини ошириш, шунингдек республиканинг пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарини модернизация қилиш, техник-технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни, жумладан хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида ташкил этилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январь, 38-сонли “Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса тармоққа инвестицияларни янада кенгроқ жалб этиш имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда, унинг моддий-техник базасини шакллантиришда асосий туртки вазифасини бажарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури

тўғрисида”ги ҳамда “2007-2011 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник-технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги қарори “2015-2019 йиллардаги саноатни таркибий ўзгартириш, асосий саноат тармоқларини модернизация ва диверсификациялаш тўғрисидаги” махсус қарорларини саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари оширилишини рағбатлантириш, уни экспортга етказиб беришни кўпайтириш, фаол инвестицион сиёсат шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш ҳамда техникавий қайта жиҳозлаш ҳисобига янги иш ўринлари барпо этишни таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу таҳлилий маълумотларга суянган ҳолда мамлакатимизда пахта хомашёсини тўлиқ қайта ишлаш ва ундан газлама, тайёр кийим ишлаб чиқариш циклини тўла мувофиқлаштирувчи инновацион тизимни шакллантириш, пахтани қайта ишловчи тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўлароқ фойдаланиши, шу асосда иқтисодий самарадорликка эришиш лозим.

Тадқиқотлар натижасида ҳудудларда тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишда тўсқинлик қилувчи омиллар мавжудлиги аниқланди, улар қуйидагилардан иборат:

- айрим кичик корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш мониторинги юритилмаётгани ва натижада ундан қанчалик фойдаланилаётганлиги тўғрисида тўлиқ ахборотнинг йўқлиги;

- айрим корхоналарда ишлаб чиқариш дастгоҳлари пропорционаллик даражасининг пастлиги;

- аксарият корхоналарда таъмирий-техник хизмат кўрсатиш бўлимлари фаолиятининг самараси пастлиги;

- айрим кичик корхоналарнинг эски асбоб-ускуналардан фойдаланиб келинаётганлиги ва улардан тўлиқ фойдаланиш имкониятларининг йўқлиги;

- электр энергиясидаги узилишларнинг кўплиги, етказиб берилаётган электр Энергияси ва табиий газнинг ҳақиқий талабдан бир неча бор камлиги;

-трансформатор ва қувурларнинг эскирганлиги сабабли етказиб берилаётган кам миқдордаги ресурслардан ҳам самарали фойдаланиш имкониятининг йўқлиги;

-айрим корхоналарда кадрлар қўнимсизлиги;

-худудий ишлаб чиқаришнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

-малакали тўқимачи мутахассисларнинг етишмаслиги.

Тадқиқот давомида аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича тўқимачилик корхоналарига қуйидаги чора-тадбирларни таклиф қиламиз:

-аҳолининг тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талаби ўсиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда мавжуд пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаган ҳолда талабни тўлиқ қондиришга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш;

-корхоналарда фаолият кўрсатаётган ишчиларни замонавий технологиялардан фойдаланишга ўргатишни жадаллаштириш;

-корхоналарда малакали ва тажрибали мутахассисларга янги ишчи

-ходимларни бириктириб, “устоз-шогирд” анъанасини ривожлантириш;

-корхоналарда ходимларнинг моддий манфаатдорлиги тамойилини ҳаётга мунтазам равишда изчиллик билан татбиқ этиш, яъни саноат ишлаб чиқаришда меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш ва унинг энг прогрессив усулларини қўллашга алоҳида эътибор бериш;

-корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳисобини, мониторингини юритиш;

-корхоналарда ишлаб чиқариш дастурларини такомиллаштириш;

-корхоналарда хорижий тажриба асосида мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини мунтазам ривожлантириб бориш тамойилларига амал қилиш (Lean production, kaidzen).

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари ички хўжалик захираларидан, дастгоҳ ва жиҳозлардан тўлиқ фойдаланиш ҳамда янги киритилган қувватларни ўзлаштириш муддатларини қисқартириш ҳисобига маҳсулот ҳажмини оширишни кўзда тутиш лозим.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш моддий-техника базасининг асоси ҳисобланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва меҳнатнинг техник жиҳатдан қуролланиш даражаси асосий фондларга боғлиқ бўлади.

Бино, иншоот, машина, қурилма, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат воситаларидан иборат бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт мобайнида иштирок этиб, натурал шаклини сақлаб қолади ҳамда уларнинг қиймати ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга аста-секинлик билан қисмларга бўлиб ўтказилади.

“Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати – бу, ишлаб чиқаришнинг барча захираларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотнинг максимал ҳажмидир.”²⁰

Эксплуатация жараёнида асосий фондлар жисмоний ва маънавий эскиришга учраб, бу корхона учун маълум бир йўқотишларни келтириб чиқаради.

Асосий фондларнинг эскириши билан боғлиқ бўлган йўқотишларни, улардан фойдаланишини яхшилаш, фонд қайтими, сменалик коэффиценти, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти каби асосий кўрсаткичлар даражасини ошириш ёрдамида камайтириш мумкин.

Бу кўрсаткичларни фан-техника тараққиёти ҳисобига, асосий фондлар тузилмасини мукамаллаштириш, ускуналар бекор туриб қолишини камайтириш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожлантириш ёрдамида яхшилаш мумкин.

²⁰ Искандаров И. Экономические проблемы развития текстильной промышленности в Узбекистане.-Т.2010 г. 144 с.

“Фойда билан бир қаторда амортизация ажратмалар ҳам корхона асосий фондларини такомиллаштириш манбаи бўлиб хизмат қилади.”²¹

Мамлакатимизда пахта хомашёсидан тўлиқ фойдаланишни ташкил этиш ва унинг таъминоти масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда ва натижада уни қайта ишлаш кўлами кенгайиб бормоқда. Бироқ, енгилсаноат тармоғида, хусусан тўқимачилик соҳасида бир қатор муаммолар мавжуд.

I боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда истиқболда тўқимчилик корхоналарининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини янада ошириш, унинг ўсиш тенденцияларини барқарор таъминлаш учун юқоридаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Ушбу бобда енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолашнинг назарий - услубий асослари ёритилган бўлиб, унда ишлаб чиқариш қувватларининг иқтисодий моҳияти, енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш меъзонлари, ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш зарурияти бўйича фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

²¹ Муратов Р.С., Джалалова И.А., Орипов С.Ш. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2014 йил, 111 б.

II боб. “Textechnology group” ҚКда ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш ҳолати

2.1. “Textechnology group” ҚКнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиш ҳолати

«Textechnology group» ҚК 2004 йил «09» августдаги таъсисчининг қарори асосида ташкил этилган.

Жамият, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани Ҳокимининг 15.08.1995 йилдаги 999/8-сонли қарори билан рўйхатга олинган, ҳамда Тошкент шаҳар, Сергели тумани Ҳокимининг 02.03.2001 йилдаги 277-сонли қарори билан қайта рўйхатга олинган.

Қўшма корxonанинг асосий фаолият мақсади Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига асосан ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларидан, ишларидан ва хизматларидан юридик ва жисмоний шахслар заруриятини максимал қониқтиришдан иборат молия хўжалик фаолиятидан даромад топишдир. Қўшма корxonанинг асосий фаолият тури - текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш ишларини амалга оширишдир.

“Textechnology group” ҚК ўрнатиш тартибда қуйдаги фаолият турларини амалга оширади:

- текстил маҳсулотларини ишлаб чиқиш;
- савдо-сотиқ фаолиятини амалга ошириш;
- ёрдамчи материаллар;
- матоларни қайта ишлаш ва ундан маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- улгуржи савдо;
- чакана савдо;
- улгуржи, тижорат, озиқ-овқат, универсал дўконларини ва супермаркетлар хусусий тармоғини тузиш;
- халқ истеъмол моллари ва техник ишлаб чиқариш йўналишдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- юридик ва жисмоний шахсларга турар жой уйларини ва бошқа ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган кўчмас мулкларни ижарага бериш;

- иккиламчи ресурсларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиқларини йиғиш, қайта ишлаш, тайёрлаш ва сотиш;

- корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга дистрибьюторлик, дилерлик, агентлик ва инжиниринг хизматларини кўрсатиш, маркетинг изланишларини ўтказиш;

- амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда экспорт импорт операцияларни ўтказиш;

- ким ошди савдоларида юридик ва жисмоний шахслардан кўчар ва кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;

- илмий-амалий изланишлар, илмий ишлар ва бошқа ишланмаларни, янги технологияларни, «ноу-хау»ларни яратиш, сотиб олиш ва сотиш, ҳамда уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;

- хайрия ва хомийлик фаолияти;

- ташқи иқтисодий фаолият. Жамият махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлган ҳолда амалга ошириладиган ўз фаолият турларини амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартиб ва қоидалар асосида амалга оширилади.

“Textechnology group” ҚК бошқарувининг ташкилий структураси - бу бўлимлар, ишловчилар ўртасидаги махсус ишлаб чиқилган алоқалар ва муносабатларнинг яхлит тизимини ўз ичига олади ва унинг доирасида ишловчи одамлар олдига қўйилган мақсадга энг самарали йўл билан эришиш вазифасини бажаради

Биз фаолиятини ўрганаётган “Textechnology group” ҚК ҳам халққа хизмат қилиб келмоқда.

“Textechnology group” ҚК бошлиғи:

-унинг бутун иш фаолиятини ташкил қилади;

-юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда жамият номидан иш кўради;

-бошқарма аъзолари ва хўжаликда шартнома асосида ишлаётган шахслар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

-ички меҳнат тартиби коидаларини белгилайди,

-бошқарма аъзолари ва хўжаликда шартнома асосида ишлаётган шахсларнинг хавсиз ҳамда унумли меҳнат килишлари учун шароит яратиб беради;

-“Textechnology group” ҚК аъзолари:

-хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартларига боғлиқ тарзда биргаликда ёки яқка тартибда фойдаланадиган даромад ўз улушини олиш;

-қонун ҳужатларига мувофиқ давлат ижтимоӣ суғуртаси ва ижтимоӣ таъминлашиш ҳуқуқига эга. “Textechnology group” ҚК раҳбари бутун жамоа ва бошқарув аппарати осойишта ишлаши учун шароит яратиши лозим, чунки бутун бошқарув тизими ва натижада бутун ишлаб чиқариш самарадорлиги шу нарсага боғлиқдир.

Корхонанинг бошқарув тизими қуйдаги асосий вазифаларни бажаради

-технологик ускуналар нормал ишлашини таъминлаш

-автоматизация тизими фаолияти ва техника воситалари билан таъминлаш

-махсулот сифатини таъминлаш ва назорат қилиш

-бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳисоботлари

-кадрлар малакасини ошириш устида ишлаш


-умумий хўжалик фаолияти шу жумладан транспорт ташуви муамоларини ҳал этиш

-техник хавфсизлик ва ёнғин муҳофазаси муамоларини ечиш.

-махсулотни реализация қилиш ва маркетинг фаолиятини олиб бориш шаклидаги “Textechnology group” ҚК нинг ташкилий структураси 3-расмда келтирилган. - “Textechnology group” ҚКнинг аъзолари иш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши;

- белгиланган меҳнат тартибига бўйсиниши шарт. Жамият уставида жамият аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам вазарда тутилиши мумкин.

“Textechnology group” ҚК фаолияти унинг раҳбари томонидан ва Низомга мувофиқ бошқарилади ҳамда назорат қилинади. Жамиятнинг ижроия аппарати штатларини тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.



3-расм. “Textechnology group” ҚК нинг бошқарув структураси²²

Жамиятнинг барча ходимлари раҳбар билан тузилган меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинадилар. Меҳнат шартномаларининг шартлари икки томоннинг розилиги билан белгиланади ва ижро қилинади.

²²“Textechnology group” ҚКнинг низомидан олинган маълумот

Юқоридаги таркибий қисмларга нисбатан бошқарма хўжаликнинг бошқарув муассасаси ҳисобланади ва ўзига мустақил бўлган ишлаб чиқаришларга, омборларга ва базаларга эга бўлиши мумкин.

Шуни айтишимиз мумкинки, ташкилотнинг ташкилий тузилмасини шакллантиришда унинг олдига қуйидаги талабларни қўйиш керак:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёни, бошқарув тузилмасини фаолият юритишининг натижаси сифатида мутаносиблик, узликсизлик, параллеллик, бир маромдалик талабларига мос келиши керак;

- ташкилий тузилма ташкилотни режали равишда ривожланишига ёрдам бериши керак;

- тузилма элементлари (бўлинмалар)нинг сони кичик, аммо ташкилот нормал фаолият юритиши учун етарлича бўлиши керак, битта даражадаги таркибий қисмлар ўртасидаги горизонтал алоқалар сони ҳам худди шундай бўлади. Горизонтал алоқалар норасмий муносабатларни амалга оширишга имкон берадилар ва кўникмаларни узатишга кўмаклашадилар, битта даражадаги таркибий қисмларнинг тизим мақсадларини бажариш бўйича ҳаракатларини мувофиқлашишини таъминлайдилар. Алоқалар сонини камайиши тизимни фаолият юритишининг берқарорлиги ва оперативлигини ошишига олиб келади.

2.2. “Textechnology group” ҚҚнинг ишлаб чиқариш қувватларининг таҳлили

“Textechnology group” ҚҚ нинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш вазибалари: молиявий режанинг бажарилишини, маблағларнинг тўғри ёки нотўғри тақсимланиши ва улардан тўғри ёки нотўғри фойдаланишни, хўжаликнинг ўз маблағлари билан таъминланганлигини аниқлашдан, айланма маблағлар запасининг белгиланган режаларга ва ҳисоб – китоб интизомига риоя қилиши, банк – кредитларидан фойдаланиш, хўжаликнинг

тўлаш қобилияти, айланма маблағларнинг айланиб туришини ўрганишдан иборат.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхонанинг айланма маблағларига етарли тарзда эга бўлиши уларнинг фаолият юритиш гарови ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига сарфланувчи хомашё, материал, ёкилғи ва энергия миқдори маҳсулот сифатига тасир кўрсатмаган ҳолда қанчалик кам бўлса, маҳсулот шунчалик арзонлашади, ҳамда айланма маблағлар камроқ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.²³

Корхонанинг айланма маблағлари, айланма фондлари ва муомала фондларига тақсимланади. Бундай тақсимлаш уларнинг моддий ва буюмланган тузилишдан ташқари, ишлаб чиқариш жараёни ва умуман, корхонанинг иқтисодий фаолиятидаги иштироки асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, тақсимлаш режалаштиришни ташкил қилишда корхонанинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда катта роль ўйнайди.

1-жадвал

“Textechnology group” ҚК нинг 2015-2017 йиллардаги асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили²⁴

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2017 йилда 2016 йилга нисбатан | |
|---|----------------------------------|---------------|----------|----------|-----------|--------------------------------|------------|
| | | | | | | Мутлоқ (+,-) | Нисбий (%) |
| 1 | Маҳсулот сотишдан тушган тушум | минг сўм | 17129,50 | 20779,30 | 195985,20 | 175205,90 | 943,18 |
| 2 | Сотилган маҳсулотларнинг таннари | минг сўм | 11425,70 | 13429,70 | 143398,50 | 129968,80 | 1067,77 |
| 3 | Ишловчиларнинг руйхатдаги сони | киши | 128 | 124 | 140 | 16 | 112,90 |

²³ “Textechnology group” ҚКнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари


²⁴ “Textechnology group” ҚКнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари

| 1-жадвал давоми | | | | | | | |
|------------------------|--|-------------|----------|----------|----------|----------|--------|
| 4 | - ишчилар | киши | 115 | 112 | 125 | 13 | 111,61 |
| 5 | - хизматчилар | киши | 13 | 12 | 15 | 3 | 125,00 |
| | Ишловчиларнинг йиллик иш хаки фонди | минг сўм | 37085,10 | 39519,76 | 49081,00 | 9561,24 | 124,19 |
| | - ишчилар | минг сўм | 33318,64 | 35695,27 | 43822,32 | 8127,05 | 122,77 |
| 6 | - хизматчилар | минг сўм | 3766,46 | 3824,49 | 5258,68 | 1434,19 | 137,50 |
| 7 | Айланма маблагларни уртача йиллик киймати | минг сўм | 22703,85 | 24678,10 | 16158,80 | -8519,30 | 65,48 |
| 8 | Бир ишловчининг уртача йиллик иш уними (1/3) | минг сўм | 133,82 | 167,58 | 1399,89 | 1232,32 | 835,38 |
| 9 | Бир ишчининг уртача иш уними | минг сўм | 148,95 | 185,53 | 1567,88 | 1382,35 | 845,08 |
| 10 | Умухужалик фаолиятининг фойдаси | минг сўм | 101,10 | 101,10 | 950,00 | 848,90 | 939,66 |
| 11 | Соликлар | минг сўм | 14,70 | 108,40 | 405,20 | 296,80 | 373,80 |
| 12 | Соф фойда | минг сўм | 75,80 | 89,70 | 584,80 | 495,10 | 651,95 |
| 13 | Рентабеллик даражаси (11/2*100%) | % | 0,88 | 0,75 | 0,66 | -0,09 | 88,00 |
| 14 | Дебиторлик карзлари | минг сўм | 1820,77 | 1979,10 | 12331,10 | 10352,00 | 623,07 |
| 15 | Кредиторлик карзлари | минг сўм | 20152,97 | 21905,40 | 28532,40 | 6627,00 | 130,25 |

Жадвалда «Textechnology group» ҚҚнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин. Корхонада махсулот сотишдан тушган тушум 2017 йилда 195985,2 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 175205 минг сўмга ёки 9,4 бараварга ошган бўлса, ишлаб чиқариш харажаталари жорий йилда 143398,5 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 129968,8 минг сўмга ёки 10,7

бараварга ўсган. Корхона айланма маблағлари ўртача йиллик қиймати ўтган йилга нисбатан 8519,3 минг сўмга пасайган.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинар экан, уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу кўрсаткичларни олдинги йил, жорий йил маълумотлари билан қиёслаш, бу кўрсаткичларнинг фарқ қилишига турли омилларнинг таъсирини аниқлаш ва ҳисоблаб чиқиш керак бўлади. Анна шу омилларни ўрганиш асосида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш йўллари аниқлаш ва тавсия қилиш керак.



1 – диаграмма. 2015 – 2017 йиллар бўйича «Textechnology group» ҚҚнинг рентабельлик даражаси ўзгариши динамикаси²⁵

Юқоридаги диаграммадан келиб чиқиб, корхона рентабельлик даражаси 2010 йилда 0,88 % ни, 2016 йилда 0,75 % ни, 2017 йилга келиб эса 0,66 % ни ташкил қилган. Бу корхонада рентабельлик даражасининг охирга уч йил давомида пасаяётганлигини кўрсатади.

Бу жадвалда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини кўрсаткичларини ҳисоблаш ва уларни олдинги йил маълумотлари билан қиёслаш амалга оширилган.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинар экан, ўзини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, олдинги йил билан қиёслаш билан аниқланади. Айланма маблағлардан фойдаланиш

²⁵ «Textechnology group» ҚҚнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари

самарадорлиги кўрсаткичига бир қанча омиллар таъсир қилади, жумладан, маҳсулотни чиқариш ва реализацияси, айланма маблағлардан суммаси, айланма маблағлар таркиби таъсир этади.


2-жадвал

2015-2017 йиллар буйича «Textechnology group» ҚҚнинг айланма маблағлар рентабеллигига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили²⁶

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2017 йилда 2016 йилга нисбатан | |
|---|--|---------------|----------|----------|-----------|--------------------------------|---------|
| | | | | | | Фарқи (+:-) | % |
| 1 | Соф фойда | минг сўм | 75,80 | 89,70 | 584,80 | 495,10 | 651,95 |
| 2 | Ялпи даромад | минг сўм | 5703,80 | 7349,60 | 52586,70 | 45237,10 | 715,50 |
| 3 | Маҳсулотларни сотишдан тушган тушум | минг сўм | 17129,50 | 20779,30 | 195985,20 | 175205,90 | 943,18 |
| 4 | Айланма маблағларнинг уртача йиллик киймати | минг сўм | 22703,85 | 24678,10 | 16158,80 | -8519,30 | 65,48 |
| 5 | Соф фойданинг ялпи даромаддаги хиссаси (1кх100:2к) | % | 1,33 | 1,22 | 1,11 | -0,11 | 91,12 |
| 6 | Даромаднинг даражаси (2кх100:4к) | % | 25,12 | 29,78 | 325,44 | 295,66 | 1092,73 |
| 7 | Айланма маблағлар самарадорлиги (3к:4к) | сўм | 0,75 | 0,84 | 12,13 | 11,29 | 1440,44 |
| 8 | Айланма маблағларнинг рентабеллиги | % | 0,33 | 0,36 | 3,62 | 3,26 | 995,67 |

²⁶ «Textechnology group» ҚҚнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корхонанинг айланма маблағларини 2015-2017 йиллардаги рентабеллигини таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари бўйича корхона фойдаси йилдан йилга ўзгариб борган, яъни 2015 йил 75,8 минг сўмни, 2016 йил 89,7 минг сўмни, 2017 йил эса 584,8 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткичларни солиштирсак, жорий йилда ўтган йилга нисбатан 495,1 минг сўмга ошган ёки 6,5 бараварга ўсган. Корхона айланма маблағлари қиймати 2015 йилда 22703,8 минг сўмни, 2016 йилда 24678,1 минг сўмни, 2017 йилга келиб 16158,8 минг сўмни ташкил қилган.




2 - диаграмма. 2015 – 2017 йилларда “Textechnology group” ҚК нинг айланма маблағлар рентабеллигига таъсир этувчи омиллар қийматининг ўзгариш динамикаси²⁷

Ўтган йилга нисбатан 8519,3 минг сум камайган ёки 65,5 фоизни ташкил қилган. Махсулот хажми йилдан йилга ўзгарган 2017 йил 2016 йилга нисбатан 175205,9 минг сўмга кўп иш бажарилган ёки 9,4 бараварга ошган, соф фойданинг ялпи даромаддаги ҳиссаси 2017 йилда 1,11 % бўлган. Даромаднинг даражаси 2016 йилда 325,4 % ни, 2017 йилда 295,6 % ни ташкил қилган. Ўтган йил билан солиштирсак 10,1 бараварга ошган.

Айланма маблағлар самарадорлиги йилдан йилга кўрсаткичлари ўзгарган 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 14,4 бараварга ошган. Айланма

²⁷ “Textechnology group” ҚКнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари

маблағларнинг рентабеллиги 2017 йилда 3,6 % ни ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан 995,7 % ни ташкил қилган. Бунга сабаб корхонанинг жорий йилда соф фойданинг ўтган йилга нисбатан ўсишидир.



3 - диаграмма. 2015 – 2017 йилларда “Textechnology group” ҚҚнинг соф фойдасининг ялпи даромадлиги хиссаси²⁸

Юқоридаги диаграммадан келиб чиқиб, корхонада охириги уч йил давомида иқтисодий ўсиш динамикасини кўришимиз мумкин. Корхона айланма маблағлари қиймати 2015 йилда 22703,8 минг сўмни, 2016 йилда 24678,1 минг сўмни, 2017 йилга келиб 16158,8 минг сўмни ташкил қилган.

Корхона фаолият натижавийлиги баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири рентабеллик кўрсаткичи ҳисобланади.

Рентабеллик корхона фойдалиқ даражасини характерлайди. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб китоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли бўйича даромадаларнинг юзага чиқиш урни ,ки базаси бўйича, фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар бўйича ,ки мустақил бирликлар бўйича аниқланиши мумкин.

Рентабелликнинг халқ хўжалигида қуйидаги турлари аниқланади.

1. Ишлаб чиқариш ҳаражталарига нисбатан рентабеллик

²⁸ “Textechnology group” ҚҚнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Ишлаб чиқариш харажатлари}} \times 100\%$$

Ушбу кўрсаткич бир сўмлик ишлаб чиқариш харажати ҳисобига олинган фойда суммасини характерлайди.

1. Асосий воситалар рентабеллиги

Асосий воситалар рентабеллиги ҳар бир сўмлик ,ёки минг сўмлик асосий восита ҳисобига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич соф фойда суммасини асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}} \times 100 \%$$

2. Оборот активлар рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич оборот активларнинг ҳар бир сумига тўғри келадиган фойда, соф фойда суммасини характерлайди.

Оборот активлар рентабеллиги олинган соф фойда суммасини оборот активларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$


3. Жами мулк рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона мулкининг фойдалилик даражасини характерловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик мулкка тўғри келадиган соф фойда суммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона мулки жами}} \times 100\%$$

4. Асосий воситалар ва моддий оборот маблағлари рентабеллиги. Ушбу

кўрсаткич соф фойда суммасини корхона асосий воситалари ва моддий оборот маблағлари ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади. У хар бир сўмлик асосий ва оборот маблағига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий ва оборот маблағлари ўрт.йил.қийм.}} \times 100\%$$



4 - диаграмма. 2015 – 2017 йилларда “Textechnology group” ҚКнинг айланма маблағларининг рентабеллиги²⁹

Маҳсулот сотишдан тушган тушум 2015 йилда 17129,5 минг сўмни, 2016 йилда 20779,3 минг сўмни ҳамда 2017 йилда 195985,2 минг сўмни ташкил қилгани орқали кўришимиз мумкин.

Бунга сабаб ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши, корхонада маркетинг тадқиқотларининг тўғри йўлга қўйилганлиги билан изоҳласак бўлади.


²⁹ “Textechnology group” ҚК йиллик ҳисоботлари маълумотлари

**“Textechnology group” ҚҚнинг 2015 - 2017 йиллардаги рентабеллик
таҳлили³⁰**

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | Фарқи (+-) |
|----|---|------------------|----------|----------|-----------|---------------|
| 1 | Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум | минг сўм | 17129,50 | 20779,30 | 195985,20 | 175205,90 |
| 2 | Ишлаб чиқариш харажатлари | минг сўм | 11425,70 | 13429,70 | 143398,50 | 129968,80 |
| 3 | Сотишдан олинган фойда | минг сўм | 5703,80 | 7349,60 | 52586,70 | 45237,10 |
| 4 | Соф фойда | минг сўм | 75,80 | 89,70 | 584,80 | 495,10 |
| 6 | Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати | минг сўм | 22703,85 | 24678,10 | 16158,80 | -8519,30 |
| 7 | Қорхона мулки | минг сўм | 22611,85 | 24678,10 | 41267,90 | 16589,80 |
| 8 | Ўз маблағлари | минг сўм | 2550,88 | 2772,70 | 12735,50 | 9962,80 |
| 9 | Қарз маблағлари | минг сўм | 20152,97 | 21905,40 | 28532,40 | 6627,00 |
| 10 | Маҳсулот рентабеллиги 3к/1к*100 | % | 33,30 | 35,37 | 26,83 | -8,54 |
| 12 | Айланма маблағларнинг рентабеллиги (4к/6к*100) | % | 0,33 | 0,36 | 3,62 | 3,26 |
| 13 | Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги 3к/2к*100 | % | 49,92 | 54,73 | 36,67 | -18,05 |
| 14 | Ўз маблағлари рентабеллиги 4к/8к*100 | % | 2,97 | 3,24 | 4,59 | 1,36 |
| 15 | Жами мулкка нисбатан рентабеллик 4к/7к*100 | % | 0,34 | 0,36 | 1,42 | 1,05 |
| 16 | Умумий рентабеллик 4к/(5к+6к)*100 | % | 0,33 | 0,36 | 3,62 | 3,26 |
| 17 | Қарз маблағлари рентабеллиги 4к/9к*100 | % | 0,38 | 0,41 | 2,05 | 1,64 |

³⁰ “Textechnology group” ҚҚнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг 2015-2017 йиллардаги рентабеллигини таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари бўйича корхона соф фойдаси йилдан йилга ўзгариб борган, яъни 2015 йил 75,8 минг сўмни, 2016 йил 89,7 минг сўмни, 2017 йил эса бу кўрсаткич 584,8 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткичларни солиштирсак, жорий йилда соф фойда ўтган йилга нисбатан 495,1 минг сўмга ошган. Корхона айланма маблағлари ўртача йиллик қиймати ўтган йилга нисбатан 8519,3 минг сум камайган.




5 - диаграмма. “Textechnology group” ҚКнинг 2015 – 2017 йиллардаги рентабеллигини таҳлили³¹

Корхонанинг умумий мулки 2016 йилда 24678,1 минг сўмни, 2017 йилда эса 41267,9 минг сўмни ташкил этган. Бу эса ушбу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан 16589,8 минг сўмга ошганидан далолат беради. Ўз маблағлари йилдан йилга ўзгариш 2016 йилда 2772,7 минг сўмни, 2017 йилда

³¹ “Textechnology group” ҚКнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари

12735,5 минг сўмни ташкил қилган. Қарз маблағлари эса 2016 йилда 21905,4 минг сўмни, 2017 йилда 28532,4 сўмни ташкил этган.

Маҳсулот хажми йилдан йилга ўзгарган 2017 йил 2016 йилга нисбатан 175205,9 минг сўмга кўп иш бажарилган, маҳсулот рентабеллиги 2017 йилда 26,8 % бўлган. Айланма маблағлар рентабеллиги йилдан йилга кўрсаткичлари ўзгарган 2017 йилда 3,6 % ни, 2016 йилда эса 0,4 % ни ташкил қилган.




6 - диаграмма. “Textechnology group” ҚКнинг 2015 – 2017 йиллардаги ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги³²

“Textechnology group” ҚКнинг ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги 2017 йилда 36,7 % ни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 18 га ошган. Ўз маблағлари рентабеллиги 2015 йилда 3,2 % ни, 2017 йилда эса 4,6 % ни ташкил қилган. Корхонада умумий рентабеллик кўрсаткичи 2016 йилда 0,4 % ни, 2017 йилда эса 3,6 % ни ташкил қилган. Корхонанинг сўнгги йиллардаги фаолияти стратегияси истеъмол бозорини янада тўлдириш ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Корхонанинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, корхонада олиб

³² “Textechnology group” ҚКнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари

борилган кенг кўламли модернизация ишлари туфайли янги иш ўринлари яратишга муваффақ бўлган.


“Textechnology group” ҚҚнинг ходимларнинг рўйхатдаги сони 2016 йилда 124 тани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда эса 140 тани ташкил этган. Корхонада бир ишловчининг ўртача йиллик иш унуми 2017 йилда 1399,9 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 1232,3 минг сўмга кўпдир. Бунга сабаб ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ўсишидир. Рентабеллик даражаси жорий йилда 0,66 % ни, ўтган йили эса 0,75 % ни ташкил қилган. Бундай ўзгаришга сабаб ишлаб чиқариш харажатларининг ошишидир.



7 – диаграмма. 2015 – 2017 йилларда «Textechnology group» ҚҚнинг рўйхатидаги ишчиларнинг таркиби бўйича ўзгариши динамикаси³³

Юқоридаги диаграммадан келиб чиқиб, корхонада ишчиларнинг рўйхатдаги сони 2015 йилда 128 кишини, шулардан 115 киши ишчилар, қолган 13 киши хизматчилар бўлган, 2016 йилда 124 кишини, шулардан 112 киши ишчилар, қолган 12 киши хизматчилар бўлган, 2017 йилда эса корхонада ишчиларнинг рўйхатдаги сони 140 кишини ташкил этган, шулардан 125 киши ишчилар, қолган 15 киши хизматчилар бўлган. Бундан кўриниб турибдики, корхона шахсий таркибининг ўрганилаётган йиллар давомида ўсиш тенденциясини кўришимиз мумкин. Бу албатта корxonанинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этади.

³³ “Textechnology group” ҚҚнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари



8 – диаграмма. “Textechnology group” ҚКнинг 2015 – 2017 йилларда иш хақи фонди таркибининг ўзгариш динамикаси³⁴

Юқоридаги диаграммдан келиб чиқиб, корхонада ишчиларнинг йиллик иш хақи фонди 2015 йилда 37085,1 минг сўми, шулардан 33318,6 минг сўм ишчилар иш хақи фонди, қолган 3766,5 минг сўм хизматчилар иш хақи фонди бўлган, 2016 йилда 39519,8 минг сўми, шулардан 35695,3 минг сўм ишчилар иш хақи фонди, қолган 3824,5 минг сўм хизматчилар иш хақи фонди бўлган, 2017 йилда эса корхонада ишчиларнинг йиллик иш хақи фонди 49081 минг сўми, шулардан 43822,3 минг сўм ишчилар иш хақи фонди, қолган 5258,7 минг сўм хизматчилар иш хақи фонди бўлган. Бундан кўриниб турибдики, корхона шахсий таркибининг йиллик иш хақи фонди ўзгариши охириги уч йил давомида ўсиш тенденциясини кўрсатади.

2.3. “Textechnology group” ҚКда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни баҳолаш

Ўз фаолиятининг доирасига эришиш учун Жамият асосан куйидагиларни амалга оширади:

- текстил маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шу жумладан табиий чармни ишлаб чиқариш;
- атторлик буюмларини, халқ истеъмол молларини, табиий ва сунъий

³⁴ “Textechnology group” ҚКнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари

ипаклардан тайёрланган ишлаб чиқаришга йўналтирилган ҳамда махсус ишлаб чиқаришга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш. Бундай кўринишдаги ишлаб чиқариш назарияга кўра, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштириш дейиш мумкин.

Корхоналарнинг ихтисослашуви - уларда мукамалроқ техника ва технология, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари қўллашни энгиллаштирувчи турдош маҳсулот ишлаб чиқаришни мужассамлаштириш жараёнидир.

Ихтисослаштириш жараёнининг тараққиёти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан белгиланади.

Ихтисослаштириш, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига ёрдам беради. Ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучининг жуда кенг миқёсда бирлаштирилиши ҳозир ихтисодий зарурият бўлиб қолди. Ҳозирги замон техника тараққиётининг муҳим омиллари – электронизациялаш, комплекс автоматлаштириш, янги материалларни яратиш ва жорий этиш, илғор технологияларни, жумладан, биотехнологияларни вужудга келтириш ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш билан бевосита боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш саноат корхоналарининг ишини энг рационал, оқилона ташкил этиш ҳисобланиб, бинолардан, жиҳоз ва асбоб-уқуналардан, материаллардан беками-кўст фойдаланишда, фан ва техниканинг энг охириги ютуқларини жорий этишда, такомиллашган махсус машина ва асбобларни қўллашда, меҳнат унумдоригини оширишда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш харажатларини тежашда катта самара келтиради.

Корхона бўлимларининг ихтисослашуви - айрим цехлар, участкалар, иш жойларининг айрим маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва жараёнларни бажаришга ихтисослашувида ифодаланади.

Хўжалик амалиётида асосий фондлар натурал ва қиймат кўринишида ҳисобга олинади. Агар асосий фондларни натурал баҳолаш-ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва замонавийлаштириш масалаларини ҳал қилиш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун уларнинг гуруҳ ва турлари бўйича графиклар тузиш, шунингдек, таъмирлаш воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш имконини берса, қиймат бўйича баҳолаш эса, асосий фондларни қайта ишлаб чиқаришни режалаштириш, уларнинг мавжуд ҳажмини аниқлаш, амортизация ҳажмини белгилаш, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш ва ҳоказоларда муҳим аҳамият касб этади.

“Textechnology group” ҚҚда асосий фондларни баҳолашнинг қуйидаги усуллари мавжуд: бошланғич қиймат бўйича - асосий воситаларни яратиш ёки сотиб олиш учун сарфланган харажатлар мажмуидан иборат бўлиб, асосий фондлар ёки уларнинг алоҳида қисмларини фойдаланишга топшириш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган-уларни келтириш, ўрнатиш каби харажатларни ҳисобга олган ҳолда юзага келувчи қиймат.³⁵ Масалан, битта машина ёки ускунанинг бошланғич қиймати – бу, корхонанинг мазкур машина ёки ускунани маълум бир санада сотиб олган ва бу ҳақда бухгалтерия ҳужжатларида қайд қилинган сотиб олиш нархидир.


Тикланиш қиймати бўйича - асосий фондлар ёки уларнинг бирон-бир қисмини (бинолар, қурилмалар, машиналар, ишлаб чиқариш ускуналари ва ҳоказо) ҳозирги пайтдаги инфляция ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш. Баҳолашнинг бу усули объектнинг ҳозирги пайтдаги қайта ишлаб чиқариш даврида қанча туришини кўрсатади. Корхона асосий фондларининг тикланиш қиймати, тафтиш ва инвентаризация пайтида, мамлакат миқёсида ва давлат чора-тадбири сифатида эса, асосий фондларни қайта баҳолаш пайтида амалга оширилади.

“Қолдиқ қиймати бўйича - асосий фондларнинг эскиришини инобатга олган ҳолда, бирламчи ва қайта тиклаш қийматлари ўртасидаги фарқ

³⁵ “Textechnology group” ҚҚнинг ҳисобот маълумотлари

кўринишидаги баҳолашдир.”³⁶ Бошқача қилиб айтганда, бу асосий фондларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ҳали ўтказилмаган қисмидир.

Корхоналар томонидан фойдаланилмайдиган ҳамда ҳисобдан чиқариш ёки сотиб юбориш мўлжалланган асосий фондлар ҳам, кўпинча қолдиқ қиймати бўйича, мазкур хўжалик йилидаги нархларда баҳоланади. “Textechnology group” ҚК асосий фондларини баҳолашнинг турларини қуйидаги расм кўринишда акс эттириш мумкин (4 -расм)



4-расм. “Textechnology group” ҚКда асосий фондларини баҳолашнинг турлари³⁷

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳамда ҳисоб ва ҳисоботларнинг мукаммаллашуви, жумладан, миллий ҳисоб стандартларининг жаҳон стандартлари талаблари даражасига келтирилиши туфайли, гарчи асосий

³⁶ Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2014 й., 52 б.

³⁷ “Textechnology group” ҚК ҳисобот маълумотлари

воситалар, асосий фондларнинг пул кўринишидаги ифодаси сифатида аввалдан қўлланиб келган бўлсада, ҳаётимизга “асосий капитал”, “асосий воситалар” каби атамалар эндиликда кенг равишда кириб келмоқда.³⁸

Ҳозирги кунда амалиётда асосий воситаларнинг корхона баланси ва ҳисоботларида акс эттирилувчи (яъни, бошланғич, белгиланган тартибда ўтказилувчи қайта баҳолашдан кейин эса тикланиш), ҳисобга олиш қиймати баланс қиймати деб аталади.

Қабул қилинган баҳолаш усули ва корхона балансида акс эттирилувчи бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида, корхона асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати (Φ_{cp}) белгиланиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Phi_{ыр} = \Phi_{н} + \frac{\Phi_{п}T_1 - \Phi_{в}T_2}{12} \quad (3)^{39}$$

Бу ерда:

$\Phi_{н}$ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги қиймати;

$\Phi_{п}$ – йил давомида келиб тушган (фойдаланишга топширилган) асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;

$\Phi_{в}$ – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий фондлар қиймати;

T_1 - фойдаланишга топширилувчи асосий ишлаб чиқариш фондлари амалда бўлувчи ўртача муддати (ойларда), қабул қилингандан кейинги ойдан бошлаб;

T_2 – ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий ишлаб чиқариш фондлари фойдаланилмайдиган ўртача муддат (ойлар) чиқарилган ойдан то йил охиригача).

³⁸„Textechnology group” ҚКнинг ҳисобот маълумотлари

³⁹Ермолович Л.Л.и др. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: учеб.пособие/-Минск: Экоперспектива, 2001. - 85 с.

Бундан асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини асосий воситаларнинг баланс қийматидан эскириш суммасини айириб ташлаш ёрдамида топиш мумкинлиги англашалади.

Асосий фондларни бошланғич ёки тикланиш қиймати бўйича баҳолашдан ташқари эскириш суммаси ҳам ҳисобга олинади. Асосий фондлар жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши мумкин.

Жисмоний (моддий) эскириш асосий фондларнинг бирламчи хислатларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва табиий эскириш натижасида йўқотишдан юзага келади. У асосан бир хилда кечмайди ҳамда кўп жиҳатдан иқлимнинг таъсири, асосий фондлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, жумладан, ходимларнинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

Жисмоний эскиришни (ИФ) қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топиш мумкин:

$$ИФ = \frac{T_{\phi}}{T_n} \times 100; \quad \text{ёки} \quad ИФ = \frac{И}{П_c} \times 100. \quad (4)^{40}$$

Бу ерда:

T_{ϕ} - асосий фондларнинг ҳақиқий хизмат қилувчи муддати;

T_n - асосий фондлар хизмат қилиши керак бўлган норматив муддат;


$И$ - ҳисобланган амортизация суммаси (эскириш суммаси);

$П_c$ – асосий фондларнинг бошланғич (қайта ташкил қилиш) қиймати.

Маънавий эскириш - асосий фондларнинг қадрсизланиши ёки техник жиҳатдан муддатидан аввал иш қобилиятини йўқотилишидир.

У икки шаклда юзага келади: биринчи шаклда асосий фондлар уларнинг ишлаб чиқариш қийматлари пасайиши натижасида қадрсизланса, иккинчи шаклда асосий фондларнинг қадрсизланиши янги, фан-техника тараққиёти таъсири остида, янада самаралироқ фондларнинг пайдо бўлиши натижасида рўй беради.

⁴⁰Ортиқов А.А., Юлдашева Ш., Карабаева Г. “Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” (Ўқув қўлланма) Тошкент.ТДИУ. 2004й. 89 б.



5-расм. “Textechnology group” ҚКда асосий фондларнинг эскириш турлари⁴¹

Асосий фондлар маънавий эскиришининг юқорида келтирилган шакллари куйидаги тарзда аниқлаш мумкин:

$$ИМ_1 = \frac{\Pi - В}{\Pi} \times 100; \quad (5)^{42}$$

$$ИМ_2 = \frac{\Pi_n - \Pi_c}{\Pi_n} \times 100. \quad (6)^{43}$$

Бу ерда:

Π - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати;

$В$ - асосий фондларнинг тикланиш қиймати;

⁴¹“Textechnology group” ҚКнинг ҳисобот маълумотлари

⁴²Бунич П.Г. Актуальные вопросы эффективного использования производственных мощностей и основных фондов / М.: Экономиздат, 2003.-19 с.

⁴³Бунич П.Г. Актуальные вопросы эффективного использования производственных мощностей и основных фондов / М.: Экономиздат, 2003.-22 с.

P_n - янги техниканинг унумдорлиги.

Асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш, яъни жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий фондларнинг ўрнини иқтисодий тўлдириш учун корхона бу воситалар қийматидан амортизация ажратмаларни айириб ташлайди ҳамда бу ажратмалар кейинчалик харажатлар сифатида маҳсулот таннархига киритилади.

Амортизация ажратмалари қуйидаги формула асосида аниқланувчи амортизация нормалари (H_a) асосида амалга оширилади:

$$H_a = \frac{A}{P} * 100 \quad (7)^{44}$$

Бу ерда:

A - амортизация ажратмалари; P - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати.

$$A = \frac{P + P_k + M - O}{T} \quad (8)^{45}$$

Йиллик амортизация ажратмалари (AO) миқдори юқоридаги формула асосида аниқланади:

Бу ерда:

P_k – асосий фондлар хизмат қилган муддат давомида капитал таъмирлашга сарфланган харажатлар;

M - ускуна, машина ва қурилмаларни, улар хизмат қилган давр мобайнида модернизация қилишга сарфланган харажатлар;

O - асосий фондларнинг қолдиқ (ликвидацион) қиймати;

T - асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати, йил.

Амалда амортизация маблағлари асосий фондларни тўлиқ қайта тиклаш (реновация), капитал таъмирлаш ва ускуналарни модернизация қилиш учун алоҳида равишда йўналтирилади. Бундан келиб чиққан ҳолда

⁴⁴Бунич П.Г. Актуальные вопросы эффективного использования производственных мощностей и основных фондов / М.: Экономиздат, 2003.-23 с.

⁴⁵Бунич П.Г. Актуальные вопросы эффективного использования производственных мощностей и основных фондов / М.: Экономиздат, 2003.-25 с.

амортизация нормаси икки қисмдан - фондларни реновация қилиш (H_B) ҳамда капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш (H_P) учун ажратилувчи маблағдан иборат бўлади.

Биринчи ҳолда амортизация нормаси қуйидаги формула:

$$H_B = \frac{П - О}{ТП} \times 100; \quad (9)^{46}$$

иккинчи ҳолда эса:

$$H_P = \frac{P_{\kappa} + M}{ТП} \quad (10)^{47}$$

асосида аниқланади.

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондлар аста-секинлик билан эскириши сабабли, уларнинг иш қобилиятини таъмирлаш орқали тиклаш зарурияти туғилади. Ўз вақтида таъмирлаш асосий фондлар муддатидан олдин ишдан чиқишининг олдини олади ҳамда уларнинг хизмат қилиш муддати ва унумдорлигини оширади. Асосий фондларни таъмирлаш капитал, ўрта ва жорий турларга бўлинади. Бино ва иншоотларни таъмирлаш ўз мазмуни, талаб қилинувчи муддат ва маблағларга кўра, машина ва ускуналарни таъмирлашдан фарқ қилади.

Масалан, машина ва асбоб-ускуналарни капитал таъмирлашда улар тўлиқ қисмларга бўлинади ва эскирган қисмлар алмаштирилади. Ускуналарни икки марта капитал таъмирлаш орасидаги муддат таъмирлаш цикли деб аталади. Машина ва ускуналар, қоидага кўра, махсус заводларда таъмирланади.


Ўртача таъмирлаш техник мазмуни, мураккаблиги, бажариладиган иш ҳажми ва даврийлигига кўра, капитал таъмирлашдан фарқ қилади ҳамда сарфланувчи маблағ, вақт ва кучни нисбатан камроқ талаб этади. Жорий таъмирлаш каби у ҳам машина ёки ускунадан фойдаланувчи корхонанинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

⁴⁶Зайцев Н.А. “Экономика промышленности предприятия” “Стандарт качества” 2010 г.100 с.

⁴⁷Зайцев Н.А. “Экономика промышленности предприятия” “Стандарт качества” 2010 г.102 с.

Жорий таъмирлашда асосан асбоб-ускуналар тозаланади, мойланади, текширилади, майда камчиликлари бартараф қилинади, яъни ускуналарнинг фойдаланишга доимий тайёрлиги таъминланади.

“Асосий фондларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш мажмуаси режали-олдини олувчи таъмирлаш тизимига (РООТ) бирлаштирилади ва корхона бош механиги томонидан бошқарилади. Деярли ҳар бир корхонада РООТ ўтказилишини қайд қилиш журналлари мавжуд бўлиб, уларда профилактика ва таъмирлаш тадбирларини ўтказиш тартиби ва графиги белгилаб қўйилади.”⁴⁸



6 - расм. “Textechnology group” ҚКда асосий фондларини қайта ишлаб чиқариш босқичлари⁴⁹

Такрор ишлаб чиқариш циклида асосий фондларни яратиш жараёни корхонадан ташқарида амалга оширилади ҳамда асосан қурилиш соҳаси, машинасозлик, асбобсозлик ҳамда асосий фондларни яратиш билан шуғулланувчи бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлади. Асосий воситаларни такрор ишлаб чиқаришнинг қолган босқичлари корхона ҳудудида амалга

⁴⁸Зайцев Н.А. “Экономика промышленности предприятия” “Стандарт качества” 2010 г.270 с.

⁴⁹ “Textechnology group” ҚКнинг ҳисобот маълумотлари

оширилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш туфайли корхоналар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий ва техник барқарорликка эришишларини таъминлайди.

II боб бўйича хулоса

“Textechnology group” ҚКнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини ўрганиб, таҳлил натижасида корхонанинг муайян хўжалик фаолияти даврида қандай натижаларга эришишганлигини кўрамиз.

“Textechnology group” ҚК бугунги кунда барқарор ривожланиши учун маҳсулотларини номенклатурасини ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириши, маҳаллийлаштириш Дастури асосида маҳсулотни таннархини камайтириши, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмларини, ички ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаши, инновацион маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқиши, уларни экспериментал текширудан ўтказиш, серияли ишлаб чиқаришгача етказиши ва уларни реализация қилиши, технологик, иқтисодий, лойиҳавий, конструкторлик ишларини амалга ошириши, тажрибавий намуналарни тайёрлаши ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиши, аукционлар, кўргазмаларни ўтказишни амалга оширишлари зарурдир.

Ушбу бобда ““Textechnology group” ҚКда ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш ҳолати ёритилган бўлиб, унда “Textechnology group” ҚКнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиш ҳолати, “Textechnology group” ҚКнинг ишлаб чиқариш қувватларининг таҳлил қилинган ва “Textechnology group” ҚКда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни баҳолаш йўллари батафсил келтирилган.

III боб. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолашни такомиллаштириш

3.1. “Textechnology group” ҚК да ишлаб чиқариш қуввати ва улардан фойдаланишни яхшилаш йуллари

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида барча корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятларини барқарорлаштириш, бозордаги улушини ошириш мақсадида бир қанча чора-тадбирларни амалга оширидилар. Жумладан, энг аввало ўзларининг ишлаб чиқариш салоҳиятларини оширишни ва баҳолашни тўғри йўлга қўйишлари зарур.

Бу масалани ечишда корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурсларини бошқариш масаласини биринчи навбатга қўйишлари ва кейинги амалий ишларни режага мувофиқ амалга оширишлари бошқарувчилардан талаб этилади.

Ишлаб чиқариш мутахассислари корхона учун қанча миқдорда ишлаб чиқариш ресурслари талаб этилиши ва уларни ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминланганлик даражасини олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлиши керак. Шунинг натижасида ишлаб чиқариш ресурслари назорати ва бошқаруви тартибга солинади ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларини харид қилиш ва сақлаш дастур ва режалари ишлаб чиқилади.

“Textechnology group” ҚК да ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурсларини мувофиқлаштириш мақсадида бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2017 йилда ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурсларини сотиб олишни тартибга солувчи дастурий режа ишлаб чиқилди.

Дастурнинг асосий мазмуни “Textechnology group” ҚК да жисмонан ва маънан эскирган, муайян деталлари ва жамланмалари замон талабига жавоб бермай қолган ишлаб чиқариш қувватларини замонавий ва самарали ишлаб чиқариш қувватларига алмаштириш, янгиларини яратиш, сотиб олиш масалаларидан иборат.

“Textechnology group” ҚК фаолиятида ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурсларини мувофиқлаштириш муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, маълум бир ишлаб чиқариш қувватларидан воз кечиш эвазига корхона ишлаб чиқариш ресурсларини ошириш имкониятлари мавжудлиги аниқланмоқда. Шу тариқа “Textechnology group” ҚК да бундай имкониятлар атрофлича ўрганилиб амалиётга тадбиқ этилмоқда. Бу тўғрисида жамиятда дастурлар ишлаб чиқилиб йил сайин назорат комиссияси кўригидан ўтказилмоқда.

Мувофиқлаштириш менежментнинг функцияларидан бири бўлганлиги сабабли уни корхона миқёсида самарали фойдаланиш корхона фойдасини ошириш учун замин яратади. “Textechnology group” ҚК да ҳам мувофиқлаштириш масалаларига жиддий қаралмоқда. Масалан, корхонада пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш учун керак бўладиган барча ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурсларини жалб қилиш улардан самарали фойдаланиш катта эътибор қаратилмоқда. Чунки рақобатли бозор ҳеч бир ресурсни ноўрин ва меъёрдан кўп ишлатишга йўл қўймайди.

Келажакда “Textechnology group” ҚК томонидан ишлаб чиқариш ва илмий-техник ишланмалар ҳажми ортиши мана ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш масалаларига боғлиқлигини ҳозирда маъмурият ходимлари англаб етти ва ушбу масалага жиддийроқ қаралмоқда.

“Textechnology group” ҚКда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири мавжуд ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашдир. Улардан самарали фойдаланиш масаласи айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида янада долзарблашади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда улардан ҳар тарафлама унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларини ва ресурсларини ишлатилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш учун уларни фарқлаб ва гуруҳлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Қуйидаги жадвал ана шу масалага қаратилгандир:

**“Textechnology group” ҚК да маҳсулот ишлаб чиқаришдаги харажатлар
ва ресурсларнинг ўзаро алоқаси⁵⁰**

| Моддий ва буюмлашган шаклда | | Пул шаклида | |
|--|---|-------------------|---|
| Ресурслар | Харажатлар | Ресурслар | харажатлар |
| Ишчи кучи сони | Меҳнат (сифат ва миқдор) | Меҳнат ҳақи фонди | Тўланган ойлик миқдори, жумладан, мукофот ва қўшимчалар |
| Бино, иншоот, машина ва ускуналар (меҳнат қуроллари) | Меҳнат қуролларининг эскириши | Асосий капитал | Амортизация ажратмалар |
| Меҳнат предметлари | Истеъмол, талаб, материаллар, ёқилғи, энергия ва ҳоказо | Айланма капитал | Сарфланган хом ашё, материал ва ҳоказолар қиймати |
| Тайёр маҳсулот | Дизайн, реклама, қадоқлаш, товар йўқотишлари | Муомала фондлари | қўшимча харажатлар (қиймат) |
| - | - | Пул маблағлари | Кредит учун фоиз |

Юқоридаги жадвалда маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган ресурслар турлари келтирилган. Мана шу ресурслар жамият ишлаб чиқаришининг асосини ташкил этади. Корхонада ишлаб чиқариш ресурсларини ва қувватларини мувофиқлаштириш учун энг аввало ишлаб чиқариш имкониятини корхона мутахассислари тўғри баҳолашлари талаб этилади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан қанчалик тўла ва унумли фойдаланилса, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади, маҳсулотнинг таннархи камаяди, корхонанинг фойдаси ва самарадорлиги ошади.

“Textechnology group” ҚКнинг ишлаб чиқариш қуввати вақт бирлиги ичида белгиланган ассортимент ва номенклатура, мавжуд дастгоҳлар, ишлаб чиқариш майдонларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини ифодалайди.

⁵⁰ “Textechnology group” ҚКнинг ҳисобот маълумотлари

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати натура бирлигида ўлчанади. Масалан, металлургия саноатида ишлаб чиқариш қуввати тоннада, тўқимачиликда йигирилган ип тоннада, газламалар метрда, автотрактор тармоқларида автомобиллар ва тракторлар доналаб ўлчанади.

Ишлаб чиқариш қуввати корхонанинг техник даражаси, унумдорлиги, кадрлар малакаси, хомашёларнинг сифати ва маҳсулотларнинг ассортиментига қараб ўзгара боради.

“Textechnology group” ҚҚда ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш учун қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) мавжуд ускуналар ва агрегатларнинг сонига таъмирлашдаги ускуналар, режалаштириш даврида янгидан киритилган ускуналар қўшилади. Лекин жисмоний ва табиий шароит таъсирида емирилган ускуналар ҳисобга киритилмайди;

б) корхоналар ва цехларнинг ишлаб чиқариш майдонлари ҳақидаги маълумот;

в) корхоналарнинг иш режими, яъни сменалар сони (таъмирлашга тўхташ вақтисиз), иш вақти фонди;

г) ускуналар, агрегатларнинг унумдорлик нормаси.

Ишлаб чиқаришда турли ускуналардан фойдаланиш, корхонанинг қуввати асосий технологик жараёнларни бажарадиган етакчи цехлар, бўлинмалар ёки агрегатларнинг қувватларига биноан ҳисобланади.

Турли корхоналар (бирлашмалар)нинг ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда уларнинг хусусиятлари инобатга олинади ва қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$k = D_c * D_u * D_{iv} \quad (11)^{51}$$

Бу ерда: k – корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати;

D_c – бир турдаги дастгоҳлар сони;

D_u – вақт бирлигидаги бир дона дастгоҳнинг унумдорлиги;

D_{iv} – дастгоҳларнинг ишлаш вақти.

⁵¹ Волкова О.И. «Экономика промышленного предприятия» М. ЮНИТИ – ДАНА 2009 год 118 с.

Айрим тармоқларнинг корхона ва цехларида йиғув, қуюв, мебель, консерва ишлаб чиқариш қуввати, майдон бўйича қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$k = (M : Mn) * (\Phi : Bm), (12)^{52}$$

Бу ерда: М – корхонанинг ёки цехнинг ишлаб чиқариш майдони (қв.м);
Мн – норма бўйича иш жойига тааллуқли ишлаб чиқариш майдони (қв.м);

Ф – иш жойининг йиллик режали иш вақти фонди (соат);

Вт – маҳсулотнинг меҳнат талабчанлиги – технологик вақт (соатда).

Йил бошида белгиланган ишлаб чиқариш қуввати, кириш қуввати, йил охиридагиси эса, чиқиш қуввати дейилади. Ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K_{ур} = K_k + (K_t * П_2) / 12 - (K_{ч} * П_1) / 12, (13)^{53}$$

Бу ерда: Кк – кириш давридаги (режалаштирилаётган йил бошидаги) қувват;

Кт – йил давомида ишга туширилган қувват;

Кч – чиқиш давридаги (йил охиридаги) қувват;

П₁ – режалаштирилаётган даврдаги ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланилмаган ойлар сони;

П₂ – режалаштирилаётган даврда ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланилган ойлар сони.

Асосий фондлардан ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни яхшилаш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, капитал маблағ сарфламай, қушимча маҳсулот ишлаб чиқаришга, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик ўсишига ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришга имкон яратади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда республикада улардан унумли фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

⁵² Сергеев И.В. “Экономика предприятия” –М.: ИНФРА-М, 2010 г. 90 с.

⁵³ Сергеев И.В. “Экономика предприятия” –М.: ИНФРА-М, 2010 г. 91 с.

Саноат асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари самарадорлигини оширишда корхоналарда технологик ускуналарнинг иш сменасини кўпайтириш катта аҳамиятга эга.

Ускуналардан интенсив фойдаланишни яхшилаш учун корхонанинг техника ва технологиясини такомиллаштириш, машиналарнинг иш тезлигини ошириш, металл қуйишга, кимёвий жараёнларга сарфланадиган вақтни қисқартириш, шунингдек, кадрлар малакасининг техникавий савиясини ошириш, корхоналарни йириклаштириш, ихтисослаштириш ва хамкорлик асосида маҳсулот ишалаб чиқаришни ташкил этиш зарур.

Ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт бевосита ва билвосита қатнашадиган, моддий бойликлар яратишда иштирок этадиган ҳамда табиий шаклини сақлаган ҳолда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотга аста-секин ўтказиб борадиган меҳнат воситалари асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобланади.

Ўзбекистон саноатида илғор техника ва технология, устувор тармоқлар ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида асосий фондлар тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

“Textechnology group” ҚҚда асосий фондлар таркибида кўзга кўринарли силжишлар кузатилмоқда. Янги жихозлар, асбоб-ускуналар, қурилмалар, ҳисоблаш техникаси ва ишлаб чиқариш инвентарлари салмоғи ошиб бормоқда.

Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш ўта долзарб масала бўлганлиги учун ҳам унга алоҳида аҳамият берилади.

3.2. “Textechnology group” ҚҚда айланма маблағлар тежамкорлигининг самарадорлигини ошириш

“Textechnology group” ҚҚда айланма маблағлар айланишини тезлаштириш нафақат корхона учун, балки бутун халқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод қилиниши,

ижтимоий харажатларнинг камайтирилишига кўмаклашади ва иқтисодий режалаштириш суръатини оширади.⁵⁴

“Textechnology group” ҚҚда айланма маблағларидан самарали фойдаланиш учта асосий кўрсаткични тавсифлайди:

- 1) айланиш коэффициенти;
- 2) айланма маблағларнинг юкланиш коэффициенти;
- 3) воситаларнинг бир марта айланиши давомийлиги.

Айланиш коэффициенти корхона айланма маблағларининг маълум бир вақт (йил, чорак) давомида амалга оширувчи айланишини тавсифлайди ёки айланма маблағларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келувчи сотилган маҳсулотларни кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$K_a = P_m : C_a \quad (14)^{55}$$

Бу ерда:

P_m – сотилган маҳсулот ҳажми, пул ўлчовида;

C_a – айланма маблағларнинг ўртача қолдиқ ҳажми, пул ўлчовида (айланма маблағлар нормативи).

Мисол. Корхонанинг бир йил мобайнида сотилган маҳсулотлари ҳажми 800 млн сўмни ташкил қилади. Бу ҳолда айланма маблағлар нормаси 200 млн сўмни ташкил қилади. Демак $K_a = 4,4$ (880:200).

Айланма маблағларни юкланиш коэффициенти айланиш коэффициентиға тескари бўлган қийматдир. У сотилган ҳар 1 сўм маҳсулотға сарфланган айланма маблағларни тавсифлайди ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$K_{ю} = C_a : P_m \quad (15)^{56}$$

Бир марта айланиш давомийлиги кунларда ўлчанади ҳамда шу даврдаги кунлар сонини айланиш коэффициентиға нисбати орқали қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

⁵⁴ “Textechnology group” ҚҚнинг ҳисобот маълумотлари

⁵⁵ Бунич П.Г. Актуальные вопросы эффективного использования производственных мощностей и основных фондов / М.: Экономиздат, 2003.-49 с.

⁵⁶ Ермолович Л.Л. и др. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: учеб. пособие/- Минск: Экоперспектива, 2001. - 105 с.

$$T = D : K_a \quad (16)^{57}$$

Бу ерда:

Д - шу даврдаги кунлар сони (360, 90).

Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиш муддати қанчалик кичик ёки бу айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кам талаб қилинади ва аксинча, айланма маблағлар қанчалик тез айланишда бўлса, шунчалик самарали ишлатилади.

Бугунги кунда “Textechnology group” ҚҚнинг айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Корхоналар олдида қўйилган вазифаларни бажариш қуйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шакллари қўллаш.⁵⁸

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун курашда ҳар бир корхона уларнинг ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш муддатини қисқартиришга эришиши зарур. Гап шундаки, айланма маблағларнинг

⁵⁷Бунич П.Г. Актуальные вопросы эффективного использования производственных мощностей и основных фондов / М.: Экономиздат, 2003.-51 с.

⁵⁸Ортиқов А.А.,Юлдашева Ш., Карабаева Г “Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” (Ўқув қўлланма) Тошкент.ТДИУ. 2004й. 199 б.

муомала соҳасида секин ҳаракатланиши корхонанинг бу воситалардан ишлаб чиқаришда фойдаланишда эришган ютуқларини йўққа чиқаришдан ташқари, уларнинг умумий айланишини ҳам секинлаштириши мумкин. Шу сабабли тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришни тезлаштириш ёки маҳсулотни реализация қилиш муддатини қисқартириш ҳам айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш самараси, улардан фойдаланишни яхшилаш туфайли камроқ истеъмол қилиниши ёки қисман озод қилинишида акс этади. Айланма маблағлар мутлақ ёки нисбий озод қилиниши мумкин.

Мутлақ озод қилиш корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Нисбий озод қилиш айланма маблағлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

Ҳеч бир корхона айланма маблағларсиз фаолият кўрсата олмайди. Уларнинг мавжуд бўлиши ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни учун мажбурий элемент ҳисобланади.

“Texttechnology group” ҚК нинг молиявий аҳволи кўп жиҳатдан айланма маблағлардан фойдаланиш даражаси ва тузилмасига боғлиқ бўлади. Мазкур даража маҳсулотнинг материал сиғими, электр сиғими, энергия сиғими, моддий ресурс харажатлари ва ундан фойдаланиш коэффиценти каби кўрсаткичларни тавсифлайди. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари қуйидагилар: айланиш коэффиценти, бир марта айланиш давомийлиги ва юкланиш коэффиценти.

“Textechnology group” ҚҚда маҳсулотнинг материал сифимини пасайтириш иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан катта аҳамият касб этади, чунки у қуйидагиларга имкон яратади:

- ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли равишда камайтириш;
- корхона ихтиёрида қолувчи фойда миқдорини ошириш;
- маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш.

“Textechnology group” ҚҚда маҳсулотнинг материал сифимини қуйидагилар ҳисобига амалга ошириш мумкин:

- машина ва асбоб-ускуналарнинг янада мукамал конструкцияларини яратиш;
- сунъий ва синтетик материаллардан кенг равишда фойдаланиш;
- кам чиқитли ва умуман чиқитсиз технологиялардан кенг равишда фойдаланиш;
- корхонада мукамал норматив базани ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш чиқитларидан кўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни кобинациялаш;
- маҳсулот сифатини яхшилаш.

Корхонада моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга фақат доимий амал қилувчи тизим сифатидаги ресурсларни сақлашнинг чуқур ўйланган сиёсати асосида эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Textechnology group” ҚҚ да моддий бойлик, меҳнат ҳамда молия неъматларини максимал тежашда, асоссиз харажатларга қарши курашиш муҳим аҳамиятга эга. Моддий, иқтисодий, ижтимоий масъ-улиятлар ҳисларини кучайтириш, меҳнат ҳамда ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш, барча ташкилотлар масалаларини ўз вақтида ечиб бериш талаб этилади. Ташкилотларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига доир кўрсаткичларни яхшилаш, раҳбарлар, менежерлар, мутахассислар, шуниингдек бошқа ходимларнинг малакасини тинмай ошириб

бориш йўли билан кам меҳнат ва кам маблағ сарфлаб, кўп ва сифатли маҳсулот (иш, хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқариш лозим.

III боб бўйича хулосалар

III боб бўйича хулоса қилиб айтса бўладики, “Textechnology group” ҚК да ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлди: янги маҳсулот ассортиментлари ва хиллари пайдо бўлди. Янги жиҳозларнинг турлари. Бир меъёردа ушлаб туриш ва бошқариш усуллари автоматлаштирилди ва механизациялаштирилди.

Ишлаб чиқариш қувватлари ва ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Бу муаммонинг ечимига ишлаб чиқариш жойи, ишлаб чиқарувчининг молиявий ҳолати, бозордаги рақобат ҳам ўз таъсирини ўтказади. Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи, фаолият туридан қатий назар, асосий фондлари ҳаракати, уларнинг сони ва ҳолати, улардан фойдаланиш самарадорлигига аҳамият бериши лозим.

Ушбу бобда енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини баҳолашни такомиллаштириш йўллари ёритилган бўлиб, унда “Textechnology group” ҚКда ишлаб чиқариш қуввати ва улардан фойдаланишни яхшилаш йўллари, “Textechnology group” ҚКда айланма маблағлар тежамкорлигининг самарадорлигини ошириш йўллари батафсил келтирилган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашдир. Улардан самарали фойдаланиш масаласи айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида янада долзарб бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда улардан ҳар тарафлама унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ишлаб чиқариш қувватларидан қанчалик тўла ва унумли фойдаланилса, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади, маҳсулотнинг таннархи камаяди, корхонанинг фойдаси ва самарадорлиги ошади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати вақт бирлиги ичида белгиланган ассортимент ва номенклатура, мавжуд дастгоҳлар, ишлаб чиқариш майдонларидан тўлиқ фойдаланилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини ифода қилади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати натура бирлигида ўлчанади. Масалан, металлургия саноатида ишлаб чиқариш қуввати тоннада, тўқимачиликда йиғирилган ип тоннада, газламалар метрда, автотрактор тармоқларида автомобиллар ва тракторлар доналаб ўлчанади.

Ишлаб чиқариш қуввати корхонанинг техник даражаси, унумдорлиги, кадрлар малакаси, хомашёларнинг сифати ва маҳсулотларнинг ассортиментига қараб ўзгара боради.

Корхоналарда ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш учун қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) мавжуд ускуналар ва агрегатларнинг сонига (таъмирлашдаги ускуналар) режалаштириш даврида янгидан киритилган ускуналар қўшилади, Лекин жисмоний ва табиий шароит таъсирида емирилган ускуналар ҳисобга киритилмайди;

б) корхоналар ва цехларнинг ишлаб чиқариш майдонлари ҳақидаги маълумот;

в) корхоналарнинг иш режими, яъни сменалар сони (таъмирлашга тўхташ вақтисиз), иш вақти фонди;

г) ускуналар, агрегатларнинг унумдорлик нормаси.

Ишлаб чиқаришда турли ускуналардан фойдаланиш, корхонанинг қуввати асосий технологик жараёнларни бажарадиган етакчи цехлар, бўлинмалар ёки агрегатларнинг қувватларига биноан ҳисобланади.

Асосий фондлардан ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни яхшилаш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, капитал маблағ сарфламай қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик ўсишига ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришга имкон яратади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда республикада улардан унумли фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Саноат асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари самарадорлигини оширишда корхоналарда технологик ускуналарнинг иш сменасини кўпайтириш катта аҳамиятга эгадир.

Ускуналардан интенсив фойдаланишни яхшилаш учун корхонанинг техника ва технологиясини такомиллаштириш, машиналарнинг иш тезлигини ошириш, металл куйишга, химиявий жараёнларга сарфланадиган вақтни қисқартириш, шунингдек, кадрлар малакасининг техникавий савиясини ошириш, корхоналарни йириклаштириш, ихтисослаштириш ва ҳамкорлик асосида маҳсулот ишалб чиқаришни ташкил этиш зарур.

Хулоса қилиб шуни айтса бўладики, асосий фондлар ишлаб чиқариш моддий-техника базасининг асоси ҳисобланади. “Textechnology group” ҚК нинг ишлаб чиқариш қуввати ва меҳнатнинг техник жиҳатдан қуролланиш даражаси асосий фондларга боғлиқ бўлади.

Бино, иншоот, машина, қурилма, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат воситаларидан иборат бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт мобайнида иштирок этиб, натурал шаклини сақлаб қолади ҳамда уларнинг қиймати ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга аста-секинлик билан қисмларга бўлиб ўтказилади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати – бу, ишлаб чиқаришнинг барча захираларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотнинг максимал ҳажмидир.

Эксплуатация жараёнида асосий фондлар жисмоний ва маънавий эскиришга учраб, бу корхона учун маълум бир йўқотишларни келтириб чиқаради.

“Textechnology group” ҚК асосий фондларнинг эскириши билан боғлиқ бўлган йўқотишларни, улардан фойдаланишини яхшилаш, фонд қайтими, сменалик коэффициенти, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти каби асосий кўрсаткичлар даражасини ошириш ёрдамида камайтириш мумкин.

Бу кўрсаткичларни фан-техника тараққиёти ҳисобига, асосий фондлар тузилмасини мукамаллаштириш, ускуналар бекор туриб қолишини камайтириш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожлантириш ёрдамида яхшилаш мумкин.

Фойда билан бир қаторда амортизация ажратмалар ҳам корхона асосий фондларини такомиллаштириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ҳеч бир корхона айланма маблағларсиз фаолият кўрсата олмайди. Уларнинг мавжуд бўлиши ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни учун мажбурий элемент ҳисобланади.

“Textechnology group” ҚК нинг молиявий аҳволи кўп жиҳатдан айланма маблағлардан фойдаланиш даражаси ва тузилмасига боғлиқ бўлади. Мазкур даража маҳсулотнинг материал сиғими, электр сиғими, энергия сиғими, моддий ресурс харажатлари ва ундан фойдаланиш коэффициенти каби кўрсаткичларни тавсифлайди. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари қуйидагилар: айланиш коэффициенти, бир марта айланиш давомийлиги ва юкланиш коэффициенти.

“Textechnology group” ҚКда маҳсулотнинг материал сиғимини пасайтириш иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан катта аҳамият касб этади, чунки у қуйидагиларга имкон яратади:

- ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли равишда камайтириш;
- корхона ихтиёрида қолувчи фойда миқдорини ошириш;
- маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш.

“Textechnology group” ҚҚда маҳсулотнинг материал сифимини қуйидагилар ҳисобига амалга ошириш мумкин:

- машина ва асбоб-ускуналарнинг янада мукамал конструкцияларини яратиш;
- сунъий ва синтетик материаллардан кенг равишда фойдаланиш;
- кам чиқитли ва умуман чиқитсиз технологиялардан кенг равишда фойдаланиш;
- корхонада мукамал норматив базани ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш чиқитларидан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни кобинациялаш;
- маҳсулот сифатини яхшилаш.

Корхонада моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга фақат доимий амал қилувчи тизим сифатидаги ресурсларни сақлашнинг чуқур ўйланган сиёсати асосида эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014 й. 46 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 январда “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 09.12.2014 й.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни.
Ўзбекистон

4. Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон.

II. Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

6. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг Қарори “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2014 йил 15 апрел.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармони

8. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш

ва ресурс базасини шакллантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 августдаги “2012-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №252 сонли Қарори;

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 ноябрдаги “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №333 сонли Қарори;

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелда қабул қилинган “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни тадбиқ этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар ҳақидаги” Қарори – “Халқ сўзи”, 2008 йил, 16 июль.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори 16.07.2008 й.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси –Т.: Ўзбекистон, 22 декабр 2017 йил.
<https://www.xabar.uz/uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>.

15. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 34 б.

16. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олинга юришдир”, “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 16 январ, № 11 (6446).

IV. Асосий адабиётлар

17. Абдукаримов Б.А., Бекмуратов А.Ш., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013 йил, 368 б.

18. Александров Г.А., Павлов А.С. Обновление основных производственных фондов. М.: Экономика, 2008 190 с.

19. Аврашков, Л.Я. Экономика предприятия / Л.Я. Аврашков [и др.]; под общ.ред. Л.Я. Аврашкова.- М., ЮНИТИ, 2001. – 438 с.

20. Бусел, И.П. Экономика и организация производства / И.П. Бусел. – Минск: Ураджай, 2008. – 296 с.

21. Грузинов, В.П. Экономика предприятия: учеб.пособие / В.П. Грузинов, В.Д. Грибов. - М.: ИЭП, 2009. – 387 с.

22. Искандаров И. Экономические проблемы развития текстильной промышленности в Узбекистане.-Т.2010 г. 244 с.

23. Муратов Р.С., Джалалова И.А., Орипов С.Ш. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2014 йил, 424 б.

24. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2014 йил, 252 б.

25. Махмудов Э.Ҳ. Корхона иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2010, 208 б.

26. Ермолович Л.Л. и др. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: учеб.пособие / - Минск: Экоперспектива, 2001. - 685 с.

V. Қўшимча адабиётлар

27. Бунич П.Г. Актуальные вопросы эффективного использования производственных мощностей и основных фондов / М.: Экономиздат, 2003.- 69 с.

28. Каримов А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби // Бозор, пул ва кредит. –Т.: 2006. –№3, 36-38 б.

29. Ортиқов А.А.,Юлдашева Ш., Карабаева Г “Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” (Ўқув қўлланма) Тошкент.ТДИУ. 2004й. 289 б.

30. Зайцев Н.А. “Экономика промышленности предприятия” “Стандарт качества” 2010 г. 300 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

31. Байхонов Б.Т. Тўқимачилик саноати корхоналарида инвестициядан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш жараёнларини моделлаштириш. Номзодлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: ТДИУ, 2010 й. –140 б.

32. Привалов В.Н. 2015 г. Кострома. «Организационно-экономическое обеспечение повышения эффективности использования потенциала производства текстильной технологической оснастки» кандидатская диссертация.

33. Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография.-Т.: ФАН, 2004.

34. “Textechnology group” ҚКнинг йиллик ҳисоботлари.

35. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

36. Мирзамахмудов Ж.Т. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш. Маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари. Тошкент, 2014.

37. Нарзикулов М.П. “Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики” : материалы IV-го Форума экономистов / –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 30-31.

VII. Интернет сайтлар

38. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.

39. www.cer.uz– Иқтисодий тадқиқотлар маркази сайти.

40. www.mineconomy.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.

41. www.ifmr.uz – Макроиқтисодий тадқиқотлар ва прогнозлаш институти сайти.

42. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси сайти.